Илмий кашфиётларнинг моҳияти ва асосий турлари. Илмий кашфиёт устунлиги. Кашфиётларни аниқлаш. Ихтиро ва лицензиялаш. Интеллектуал фаолият. Янги ғоя. Техник ечим. Интеллектуал мулк инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг ўзига хос объекти сифатида. Интеллектуал мулк, технология ва лицензиялар бозори. Интеллектуал мулкнинг ҳимояланганлик даражаси ва унинг турлари. Ихтиро, илмий кашфиётларни инновациялаштириш стратегияси ва улар бўйича тўловлар тартиби. Муаллифлик ҳуқуқи, тижорат сирлари ва уларнинг туркумланиши. Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжати сифатида. Ихтирога Ўзбекистон Республикасида патент ва лицензия бериш учун талабнома тузиш қоидалари.

### **13-Мавзу. Патентлар ва патент ахборотларини излаш**

Патентларнинг ҳимоя даражаси: ноёб ихтиро, ишлаб чиқиш янгилиги, ноу-хау, ихтирога патент. Ҳимоянинг барча элементлари, бозорга кириш учун бегона патент тўсиқларини ёриш ва ўзиникини яратиш. Патент тузилиши ва унинг ҳимоя кучи. Патент ахборотларини таҳлил қилиш илмий таҳник ишланмалар патенциалини баҳолаш инструменти сифатида. Аниқ ва ўз

вақтидаги ахборотга эга бўлиш. Муваффақият ва мағлубият. Ҳал қилинган муаммо. Тадқиқот олиб бориш вақти. Патент ахбороти. Универсал ахборот ресурси. Замонавий техника ютуқларидан тез ва тўла хабардор бўлиб бориш. Патентлар ҳамма вақт энг сўнги ахборотни бериши. Ихтирочилар (ёки уларнинг иш берувчилари)ни ўз ғояларини патентлаш. Патент ахбороти талабномаси. Саноат мулки объектлари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари). Тан олинган турли техник ечимлари ва ишланмалар. Патентлар ва ушбу мулкка тегишли субектларнинг ҳуқуқий мақоми. Патент ҳужжатларини тизимлаштириш.

#### **14-Мавзу. Саноат намуналари, бренд ва селекция ютуқлари инновацион ривожланишнинг бошқарув объекти сифатида**

Саноат намунасининг моҳияти. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ саноат намунасининг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши унинг патентга лаёқатлилиқ шартлари. Саноат намунасининг эстетик ва эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари мажмуи. Устуворлик санаси. Бренд ва брендинг сиёсати. Товар белгиларини ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк объекти. Товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозоридаги бажарадиган роли. Ўзбекистонда товар белгилари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар. “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида” ги қонун. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)нинг ҳуқуқий муҳофазаси. Жаҳон-молиявий иқтисодий инқириози шароитида товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузилиши. Ўсимликларнинг янги навлари. Янги зотлар ва селекция ютуқлари. Нав ва зотлар. Ўзбекистонда селекция ютуқларига ҳуқуқлар патент ёки гувоҳнома бериш тартиби. Селекция ютуғига патент бериш. Селекция ютуғининг янгилигини аниқлаш. Экспертиза ва давлат синовлари. Давлат патент идораси. Нав ёки зот тўғрисида тегишли хулосани тақдим этиш. Жаҳон-молиявий иқтисодий инқириози шароитида селекциячининг муаллифлик ҳуқуқи. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома. Селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси тузиш.

#### **15-Мавзу. Инновацион иқтисодийда менежмент стратегиялари**

Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари. Инновациялар маркетинги концепцияси. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари. Бозорга киришнинг диффузия модели. Юқори технологик маҳсулотлар харидорининг хусусиятлари. Бозорни баҳолаш. Чегаравий нарх. Нархни белгилаш усули. Интеллектуал мулк бозори параметрлари инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот сифатида.

#### **16-Мавзу. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими**

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион компаниялар устав капиталини шакллантиришнинг хусусиятлари. Инновацияларнинг турли ҳаёт босқичларида молиялаштиришнинг тартиби. Давлат инновацион дастурларини молиялаштириш ва унинг асосий босқичлари. Давлат фан-техника қўмитаси томонидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар. Молиялаштириш манбалари. Давлат грантлари. Вунчур фондларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини бошқариш. Молиялаштириш даражасини аниқлаш усуллари. Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш. Жорий харажатлар. Капитал харажатлар. Илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш манбалари. Лойиҳалар ва уларнинг турлари. Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар. Ривожланаётган давлатларда илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш. Тармоқлар бўйича инновация учун харажатлар. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда халқаро ташкилотларнинг роли. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг хориж тажрибаси.

#### **17-Мавзу. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми**

Кадрларни бошқаришга ёндашувларни ривожланиши. Инсон ресурсларини бошқариш концепцияси. Инсон, уларнинг роли ва ижтимоий феномени. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари. Инсон омили стратегияси. Кадрларни танлаш, баҳолаш ва вазифаларга тайинлаш тизими. Корхонада инсон омилини баҳолаш. Моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими. Малака оширишни ташкил этиш. Аҳамиятли функция. Лидер ва лидерлик. Самарали гуруҳ тузиш. Ўзаро муносабатни бошқариш. Персонални ривожланиши. Инновацион соҳада персонални бошқариш хусусиятлари. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими. Илмий салоҳият ва уни бошқариш. Инновацион соҳада кадрларни баҳолаш мезонлари, шахсларни ўрганиш мезонлари, инновацион жамоада коммуникация, ижтимоий бошқарувга мослашиш.

#### **18-Мавзу. Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологияларни амалга оширишда кластер усуллари кўллаш зарурияти**

Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усуллари кўллашни аҳамияти. Инновацион фаолиятни кластер усулида кўллашда уни давлат томонидан бошқариш. Инновацион маркетингни асосий ўрганадиган йўналишлари. Кластер талаблари сиёсати. Кластер системаси. Кластер усуллари. Кластер модели. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Мамлакатнинг миллий мақсадларини амалга оширишга кўмаклашувчи инновацион сиёсат. Хориж мамлакатлари тажрибалари.

#### **19-Мавзу. Инновацион кластер**

Кластер назариясининг моҳияти ва вужудга келиши. Инновацион кластер тизими. Инновацион кластер моделининг турлари. Инновацион ғоялар, ишланмалар, технологияларни амалга оширишда кластер усуллари. Кластер усулларида фойдаланиш аҳамияти. Инновацион ғоялар, ишланмалар, технологияларни рақобатбардошлигини таъминлашда кластер ёндашув. Кластер турдаги тadbirkorликни шакллантиришда инновацияларни бошқариш. Саноат

ишлаб чиқариш худудларини ташкил қилишда кластерларнинг аҳамияти. Инновация – кластер асоси сифатида. Кластернинг асосий уч кўриниши. Кластернинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион маҳсулотлар кластерини яратиш жараёни. Давлат ёки корхонанинг кластер сиёсати ва инновациён кластерни ривожлантириш воситалари. Ўзаро боғлиқ корхоналар кластери.			
<b>Таълим бериш ва ўқитиш услуби:</b>	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (думалок стол, кейс стади, мастер-класслар)		
<b>Мустақил ишлар:</b>	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва ҳ.з		
<b>Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти</b>	Душанба Жума	15.00-16.20 13.30-14.50	Ауд. 1/223 Ауд. 1/223
<b>Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби:</b>			
<b>Баҳолаш усуллари</b>	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
<b>Баҳолаш мезонлари</b>	86-100балл «аъло» 71-85 балл «яхши» 55-70 балл«қониқарли» 0-54 балл«қониқарсиз»		
<b>Баҳолаш жараёни</b>	<b>Рейтинг баҳолаш турлари</b>	<b>Макс.балл</b>	<b>Ўтқозиш вақти</b>
	<b>Жорий назорат:</b>	<b>35</b>	
	маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	10	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	5	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	20	
	<b>Оралиқ назорат</b>		
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10 ҳафта
	Иккинчи оралиқ назорат мустақил таълим топшириқлари асосида амалга оширилади. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5 нафаргача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва	20	

	<p>химоя қабул қилинади. Топшириқлар семестр бошланган сўнг 2-3 ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаолиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-20 оралиғида бир хил балл қўйилади. Мустақил таълим топшириқларини химоя қилиш факультет декани томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади.</p>		17-ҳафта
	<b>Яқуний назорат</b>	30	20 ҳафта
	Ёзма иш	<b>30</b>	
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>	
<b>Ахборот ресурс база:</b>			
<b>Асосий адабиётлар:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.</li> <li>2. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growt, 2014 by Pearson Education, Inc.p.385.</li> <li>3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.</li> <li>4. Мильнер Б.З.. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Учебник. – М.: 2010. – 624 стр.</li> <li>5. Ивасенко А.Г. Иностранные инвестиции: учебное пособие / А.Г. Ивасенко, Я.И. Никонова. – М.: КНОРУС, 2010. – 272 стр.</li> <li>6. Кадырова Г.М. Инвестиционная деятельность Российской Федерации: международный аспект (опыт статистического анализа). – М.: «Анкил», 2010. – 84 стр.</li> <li>7. Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник,– СПб.: Питер, 2004. – 400 стр.</li> <li>8. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2009. – 320 стр.</li> </ol>		
<b>Қўшимча адабиётлар:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Каримов И.А. 2015 йилда иктисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва</li> </ol>		

	<p>диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь, № 11(6194).</p> <p>2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2014. -36 б.</p> <p>3.Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник.- 2-е изд – СПб: Питер 2009- 384 стр.</p> <p>3. Мильнера Б.З.. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Учебник. – М.: 2010. – 624 стр.</p> <p>4. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. – Ростов н/Д.: Феникс, 2006. – 272 стр.</p> <p>4.</p>
<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:</b>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2012., №3</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи, 1999 йил 15 апрел.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида» ги қонуни 05.05. 1994 йил.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги Қонуни. 28.12.1993 й.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” ги Қонуни. 28.12.1993 й.</p> <p>6. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни. 30.08.1997 й.</p> <p>7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015 -2019 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПП-2313-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш Дастури” тўғрисидаги қарори. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p>
<b>Илмий журналлар:</b>	“Экономическое обозрение”, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Бозор, Пул”, “Вопросы экономики”
<b>Даврий наирлар:</b>	“Халқ сўзи”, “Карьера”
<b>Статистик наирлар:</b>	1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

	2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015. 3. Узбекистан в цифрах. 2014. – Т.:, Госкомстат Узбекистана 2015. – 188 стр.
<i>Интернет ресурслар:</i>	1. <a href="http://www.gov.uz">http://www.gov.uz</a> 2. <a href="http://www.stat.uz">http://www.stat.uz</a> 3. <a href="http://www.lex.uz">http://www.lex.uz</a> 4. <a href="http://www.ilo.org">http://www.ilo.org</a>



---

## **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ**

---

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

### 1-мавзу. Инновациялар назарияси: технология ва самарадорлик (4 соат)

- 1.1. Инновациялар тўғрисида умумий тушунчалар
- 1.2. Инновациялар назарияси
- 1.3. Технологиялар кўринишидаги инновациялар ва уларнинг самарадорлиги

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** БББ, [аклий хужум](#), гуруҳларда ишлаш.

#### 1-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Каримов И.А.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.385.
4. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.

### 2-мавзу. Инновацияларнинг эндоген хусусиятлари (4 соат)

Режа:

- 2.1. Бозор тузилмаси ва унинг янги технологиялар ривожланишига таъсири
- 2.2. Эндоген ўсиш назарияси ва капитал жамланиши таъсири
- 2.3. Билимлар диффузияси

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** [инсерт техникаси](#), нилуфар гули, гуруҳларда ишлаш, Т жадвали.

#### 2-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Гончаренко Л.П, Арутюнов Ю.А. Инновационная политика. Учебник. – М.: 2009. – 352 стр.
2. Фатхуддинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник,– СПб.: Питер, 2004. – 400 стр.
3. Atkinson, Robert D. Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
4. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.

### 3-мавзу. Танлов ва саноатнинг ривожланиши (4 соат)

- 3.1. Инновацион ва саноат ривожланиши
- 3.2. Инновацияларни амалга оширишда танловнинг аҳамияти
- 3.3. Инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмаси

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** “Қандай?” усули, [нилуфар гули](#).

#### 3-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
2. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.385.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Atkinson, Robert D. Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012.
5. <https://www.youtube.com/watch?v=vWM08DzTuhY> Innovation Economics: The Race for Global Advantage

### 4-мавзу. Технологиялар консорциуми ва инновациялар (4 соат)

- 4.1 Технологиялар трансфери тўғрисида умумий тушунчалар
- 4.2. Технологиялар консорциумининг инновацияларга таъсири
- 4.3. Жарёнлар бўйича инновациялар

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** “Нима учун?”, жамоада ишлаш, [балик скелети](#).

#### 4-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
2. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.385.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Atkinson, Robert D. Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
5. Махмудов Е.Х. Korxonа iqtisodiyoti. O’quv qo’llanma. – Т.: O’zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2005. – 170 bet.
6. Мильнера Б.З.. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Учебник. – М.: 2010. – 624 стр.

## 5-мавзу. Инновацияларнинг иқтисодий аҳамияти (4 соат)

- 5.1. Корхонанинг инновацион салоҳияти
- 5.2. Инновацияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** БББ, Венн диаграммаси, балиқ скелети.

### 5-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Sengupta J. Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc. p.154.
2. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growth, 2014 by Pearson Education, Inc. p.385.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. <https://www.youtube.com/watch?v=edq07biGpC0> Harvard professor Clayton Christensen, disruptive innovation and higher education
5. [www.aup.ru](http://www.aup.ru) Инновация и экономика, что их связывает?

## 6-мавзу. Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари (4 соат)

- 6.1. Хизматлар соҳасидаги инновациялар
- 6.2. Маркетинг инновациялари
- 6.3. Нархларни шакллантиришдаги инновациялар
- 6.4. ташкилий ва бизнесни юритишдаги инновациялар

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, балиқ скелети, [кейс стади](#), пинборд.

### 6-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Sengupta J. Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc. p.154.
2. Christine G. Mark R. Innovation, intellectual property, and economic growth, 2014 by Pearson Education, Inc. p.385.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. <https://www.youtube.com/watch?v=adpK1VyQpN4> Dr. Clayton Christensen | Globalization of Higher Education
5. <https://www.youtube.com/watch?v=MpEmjwrOuxI> Clay Christensen: Principles of Innovation & Measuring Success

## 7-мавзу. Саноатда инновацион моделлар (4 соат)

- 7.1. Инновацион фаолиятни бошқариш услубиёти.

7.2. Инновацион жараённинг чизикли модели ва уни жорий қилиш шартлари.

7.3. Инновацион фаолиятнинг бошқариш қонунияти.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** Жамоада ишлаш, балиқ скелети, [кейс стади](#).

#### **7-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012

2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.

3. <https://www.youtube.com/watch?v=IkBp1ntD3Zc> Clay Christensen and Marc Andreessen at Startup Grind Global 2016

4. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru) Инновационные модели

#### **8-мавзу Илмий техника тараққиёти ва уни бошқариш (4 соат)**

8.1. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг давлат сиёсати, моҳияти ва унинг бош мақсади.

8.2. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ва **инновацион сиёсат йўналишлари**.

8.3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш механизми.

8.4. Халқаро илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** Пинборд, жамоада ишлаш, [кейс стади](#).

#### **8-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012

2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.

3. [https://www.youtube.com/watch?v=RQSG\\_d0mmf0](https://www.youtube.com/watch?v=RQSG_d0mmf0) Clayton Christensen (Innovators Dilemma) at Startup Grind 2013

4. [www.aup.ru](http://www.aup.ru) Развитие научной техники

#### **9-мавзу. Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш (4 соат)**

9. 1. Бозор конъюнктурасини тадқиқ қилиш йўналишлари

9.2. Бозор конъюнктурасини тадқиқ қилиш бошқичлари

9.3. Бозор конъюнктураси кўрсаткичларини таҳлил қилиш

9.4. Бозор конъюнктурасини истиқболлаш

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** “Нима учун?”, жамоада ишлаш.

### **9-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. <https://www.youtube.com/watch?v=omYJhCLi9XI> An Insight, An Idea with Clayton Christensen - World Economic Forum
4. [www.aup.ru](http://www.aup.ru) Интеллектуальный капитал как средство инноваций

### **10-мавзу. Ўзбекистон миллий инновацион тизими (4 соат)**

- 10.1. Ўзбекистон миллий инновацион тизими ва унинг аҳамияти.
- 10.2. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.
- 10.3. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги фан сиғими юқори маҳсулотлардаги роли ва ўрни.
- 10.4. Ўзбекистон Республикасида технологик ва социогенетик инновациялар.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, [кейс стади](#).

### **10-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. <https://www.youtube.com/watch?v=omYJhCLi9XI> An Insight, An Idea with Clayton Christensen - World Economic Forum
4. [www.aup.ru](http://www.aup.ru) инновационные системы наций

### **11-мавзу. Инновацион маркетингда товар ва хизматларни стратегик йўналишлари (4 соат)**

- 11.1. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегиялари.
- 11.2. Инновацион маркетингда инновацион стратегияларнинг аҳамияти.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, [кейс стади](#).

### **11-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. [www.wipo.int](http://www.wipo.int)

### **12-мавзу. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш**

12.1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва соноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12.2. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.

12.3. “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12.4. ЭҲМ учун дастурлар. ЭҲМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.

12.5. Қонунчиликда муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши.

### **12-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.

### **13-мавзу. Патентлар ва патент ахборотларини излаш**

13.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш.

13.2. Чет елда патентлаш. Лицензион шартнома ҳақида тушунча.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** концептуал жадвал, [кейс стади](#).

### **13-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

### **14-мавзу. Саноат намуналари ва селекция ютуқлари инновацион ривожланиш объекти сифатида**

14.1. Ўзбекистон Республикасини “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонун ва унинг аҳамияти.

14.2. Селекция ютуқлари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

14.3. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари.

14.4. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.

14.5. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** БББ, [кейс стади](#).

#### **14-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.

#### **15-мавзу. Инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари**

- 15.1. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги
- 15.2. Инновацион маркетингни шакллантиришнинг концептуал асослари.
- 15.3. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.
- 15.4. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси.
- 15.5. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, муаммоли ёндашув.

#### **15-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

#### **16-мавзу. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими**

- 16.1. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг аҳамияти
- 16.2. Инновацион дастур

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, [кейс стади](#).

#### **16-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

#### **17-мавзу. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми**

- 17.1. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари
- 17.2. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, кластерлар, БББ.



### **17-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

### **18-мавзу. Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологияларни амалга оширишда кластер усулларини қўллаш зарурияти**

18.1. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усулларни қўллашни аҳамияти.

18.2. Инновацион фаолиятни кластер усулида қўллашда уни давлат томонидан бошқариш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, кейс стади, нилуфар гули

### **18-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

### **19-мавзу. Инновацион кластер**

19.1. Инновацион ғоя, ишлама ва технологияларни халқ хўжалигига трансфер қилишда кластер усуллардан фойдаланиш.

19. 2. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.

19. 3. Кластер усулида жорий қилинган инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлиги.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар:** жамоада ишлаш, концептуал жадвал, пинборд.

### **19-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар**

1. Atkinson, Robert D. Innovation economics: the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell. USA: Yale University Press, 2012
2. Sengupta J.Theory of Innovation, A New Paradigm of Growth, 2014 by Pearson Education, Inc.p.154.
3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2013 й.
4. Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-б.

---

**МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА  
ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР**

---

## 1-мавзу. Инновациялар назарияси: технология ва самарадорлик (4 соат)

### Режа:

1.4. Инновациялар тўғрисида умумий тушунчалар

1.5. Инновациялар назарияси

1.6. Технологиялар кўринишидаги инновациялар ва уларнинг самарадорлиги

### 1.1. Инновациялар тўғрисида умумий тушунчалар

Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Инновация жараёнининг доимий ривожланиб бориши инсоният ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

“Инновацион иқтисодиёт” фани “Илмий тадқиқот методологияси”, “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари”, “Ахборот тизимлари”, “Ҳуқуқшунослик”, “Инновацион маркетинг” ва “Макро- ва микроиқтисодиёт” каби фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганилади.

Ушбу соҳада энг янги ва замонавий илмий изланишларни олиб борган ва шу соҳага оид илмий асарлар муаллифи бўлган Жати Сенгуптанинг (1-илова) инновацияларга берган таърифига тўхталиб ўтсак. “Инновациялар турли шаклларда бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай шаклда у маҳсулот таннархини камайтириш ва/ёки бозор талабини кенгайтиришга ёрдам қилади. Инновацияларнинг баъзи бир муҳим турлари сифатида:

1. Технологияларга асосланган инновациялар
2. Эндоген ёки экзоген инновациялар
3. Саноат ривожланишида танлов механизми инновацияси
4. Технологиялар консорциуми орқали шакллантирилган инновациялар”<sup>1</sup> қабул қилинади.

Фаннинг вазифаси – ўрганувчида инновацион фаолиятнинг моҳияти, роли, асосий элементлари ва босқичлари бўйича тизимли тушунчаларни шакллантириш, инновацион жараёнларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми моҳиятини очиб бериш, интеллектуал мулк объектларини яратиш, ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш, ихтиро, кашфиётлар тизимини ташкил қилиш ва бошқариш соҳасидаги асосий тушунчалар ва таърифларни, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг инновацион тизими ва шу соҳадаги қонунларни ўргатишдан иборатдир.

Агар инновацияларнинг Жати Сенгупта берган таърифига ўтадиган бўлсак, у қуйидагича кетма-кетликда келтирилиши мумкин. “Технологияларга асосланган инновациялар маҳсулот инновацияси, саноатда “илмий изланиш ва ривожланиш”<sup>2</sup> кўринишидаги инвестициялар ва тақлид ва такомиллаштиришни ўз ичига олган технологиялар трансферини ўзида мужассам этади.

Эндоген инновациялар [1] ўз ичига инновацияларга инвестиция киритишга мойилликни бозор томонидан рағбатлантиришни қамраб олади. Бозор рағбати

<sup>1</sup> Jati Sengupta. Theory of innovation. A new paradigm of growth. Springer International Publishing Switzerland 2014. P 12 кейинги ҳаволаларда ушбу китобнинг фақат бетлари келтирилади

<sup>2</sup> Инглиз илмий адабиётларида учрайди R&D (research and development) - “илмий изланиш ва ривожланиш (ИИР)” дегани бўлиб, ривожланишга олиб келувчи, туртки бўлувчи илмий изланиш деганидир.

деганда монополиядан патентлаш қонунлари орқали ҳимояланиш ва технологик мусобақада ғолиб чиқишни назарда тутди”<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инновацион фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини яратиш, уларни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, республикамизнинг соҳага оид халқаро интеграциялашувини жадаллаштириш, халқаро шартномаларга кириш орқали мамлакатимиз муаллифларининг ҳуқуқларини бутун дунёда муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар давлат устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Ҳозирги глобаллашув жараёнларида “Инновацион иқтисодиёт” фанининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Иқтисодиётни ривожлантиришда интеллектуал мулк, ихтиролар, янги кашфиётлар ҳамда уларни патентлаш, лицензиялаш ва сертификациялашнинг ўрни салмоқлидир. Чунки, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин бунёд этилган ихтиро бу мулк ҳисобланиб, ундан барча халқлар фойдаланиши мумкин. Бу масала ўз навбатида патент олиш ва уни сотиш орқали тартибга солинади.

“Экзоген инновацияларни илмий ва нотижорат институтлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасини мисол сифатида келтириш орқали ёритадиган бўлсак, инновацияларнинг бу тури баъзан янги маҳсулот ва янги жараёнга сабабчи бўлиши мумкинлиги аниқланган. Солоунинг иқтисодий ўсиш моделида барча технологик ривожланишлар экзоген инновация сифатида қаралган бўлсада, пировардида саноатда ва бутун бир мамлакат учун ишлаб чиқариш имкониятларини кескин ўзгартирди.

Инновацияларнинг кейинги икки тури камроқ эътиборга сазовор бўлиши мумкин. Эволюцион танлов механизми фирмаларни динамик бозор самарадорлиги ва патент тизими орқали танлайди. Бу механизм технологик ўзгаришларнинг ҳам кумулятив хусусиятини, ҳам бозор структурасининг эндоген аспектларини ҳисобга олади.

Патентлаш тизими технологик танловнинг иккинчи инструментлар тизимидир. У мулкчилик ҳуқуқини аниқлаштириб технологик инновацияларни рағбатлантиради. Масалан, фармацевтик саноатда шундай рағбатга эришиш учун ИИРдан фойдаланишади. Адабиётшунослик технологиясида патентлаш тизими чекланган даражада технология ва билимларни тарқалишини ўз ичига олган. Бу эса ўз ўрнида технологик изланишда инновацияларнинг кенг кўламли экспериментларни олиб борилишига туртки бўлади”<sup>2</sup>.

## **1.2. Инновациялар назарияси**

Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожланишининг сўнгги босқичларида инновацион жараённи жадаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президент И.А.Каримовнинг 2008 йилдаги “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари” №916-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг инновацион жараёнининг натижавийлиги жами омиллар, яъни амалга ошириш шароити, ресурслар таъминоти, менежмент тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан аниқланади. Инновацион салоҳият тушунчаси иқтисодиёт фанида XX асрнинг сўнгги йилларида пайдо бўлди. Инновацион салоҳият мамлакатнинг техника ва технологияси янгиланиши, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини

---

<sup>1</sup> 12

<sup>2</sup> 12

англатади. Баъзи иқтисодчи олимларимиз инновацион салоҳиятни иқтисодий салоҳиятдан юқори кўйишади. Бунда улар илмий-техника даражасига кўпроқ эътибор қаратишади. Бизнинг фикримизча, бундай қарашлар унчалик тўғри эмас. Чунки ҳар қандай ҳолатда иқтисодий салоҳият инновацион салоҳиятга қараганда анча кенг тушунча бўлиб, у мамлакатдаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ресурслар салоҳияти, моддий-минерал салоҳияти, қазилма бойликлар салоҳияти ва бошқаларни қамраб олади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда иқтисодиёт салоҳияти 3,0 трл. АҚШ долларидан ортиқдир. Инновацион салоҳиятни кучайтириш катта ҳажмда инвестицияни жалб этишни талаб қилади. Ҳозирда иқтисодий ривожланган давлатлар янги техника ва технологияни яратишга, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ЯИМнинг 5-7 %ини сарфлайди. Ўзбекистонда эса бу рақам бироз паст. Шу билан бирга республикамизда интеллектуал салоҳият бошқа мамлакатларга қараганда анча юқори.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Инқироз таъсирини бартараф этиш учун республика Президенти раҳбарлигида 2009-2014 йилларга мўлжалланган катта инвестицион лойиҳа-дастур қабул қилинди. Дастурга мувофиқ, 2009-2014 йилларда республикамизда 55,4 миллиард АҚШ долларилек 550 та инвестицион лойиҳа бажарилиши керак (1-жадвал).

1-жадвал

**2009-2014 йилларда муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш дастури**

Саноат тармоқлари	Лойиҳа қиймати, млрд. АҚШ долл.	Тузилиши (лоийҳанинг умумий қийматидан), %
Нефть-газ сектори	15,3	27,6
Нефть-газ кимё саноати	12,1	21,8
Транспорт ва инфратузилма	7,5	13,5
Энергетика	5,8	10,5
Кимё саноати	5,6	10,1
Тоғ-руда ва металлургия саноати	4,4	7,9
Тўқимачилик саноати	1,9	3,4
Машинасозлик	1,4	2,5
Қурилиш материаллари саноати	0,8	1,4
Бошқа тармоқлар	0,6	1,3
<b>Жами:</b>	<b>55,4</b>	<b>100,0</b>

*Манба: Азимов Р.С. Эффективность антикризисной программы и важнейшие приоритеты посткризисного развития Узбекистана. 12 апреля 2010 г.*

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда инновацион салоҳиятни кучайтиришда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади. Демак, яқин йиллардаги инновацион салоҳиятга катта ҳиссасини кўшадиган устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- қўшилган қиймати юқори бўлган тармоқлар устуворлигини таъминлаш;
- бандликни таъминлаш учун рақобат афзалликка эга бўлган фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш;
- экспорт тузилишида товар диверсификациясини кенгайтириш.

### 1.3. Технологиялар кўринишидаги инновациялар ва уларнинг самарадорлиги

Инновацияларни жорий қилишнинг энг оптимал даражаларини эътиборга олган ҳолда инновацион фаолиятга қуйидагича таъриф ва тавсифларни бериш мумкин (1-расм).

Инновацион фаолият - бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуасидир.



#### 1-расм. Инновацияни иқтисодий фаолият сифатида турлари

“Кумулятив илмий изланиш тажрибалардан бири кумулятив маҳсулотни ўз ичига олиб, ушбу кумулятив маҳсулот технологик жараённинг таркибий қисмидир. Норзворзи ва Жангларнинг (1992) саноат унумдорлигини ўсишига оид эмпирик изланишлари орқали технологик ривожланишни таннархини камайтириш йўлини микроэлектроника, телекоммуникация ва мос саноат турларида аниқладилар”<sup>1</sup>.

Ушбу усулларга таянган ҳолда макон ва замонда инновацион имкониятни қуйидаги турларга ажратиш мумкин (2-расм).



#### 2-расм. Инновацион имкониятнинг иқтисодий категория сифатида таснифи

Инновацион имконият ёки қувват объект инновацион тараққиётининг охириги чегарасидир. Давлатнинг инновацион имкониятини уч хил усул билан аниқлаш мумкин:

- худудий (худуд инновацион имкониятининг ўртача солиштирма кўрсаткичи);
- таркибий (хўжалик юритиш тармоғининг инновацион имкониятини ўртача солиштирма кўрсаткичи);
- ижтимоий (халқ инновацион имкониятининг ўртача солиштирма кўрсаткичи).

<sup>1</sup> 2

### Такрорлаш учун саволлар

1. Инновацион фаолият концепцияси тушунчасини шархлаб беринг.
2. Корхонанинг инновацион салоҳияти ва уни амалиётда фойдаланиш қобилиятини қандай аниқлаш мумкин?
3. Интеллектуал салоҳият қандай аниқланади ва уни инновацион саҳоҳияти билан қандай фарқи бор?
4. Корхонанинг инновацион салоҳияти қандай баҳоланади?

### 2-мавзу. Инновацияларнинг эндоген хусусиятлари (4 соат)

Режа:

- 2.4. Бозор тузилмаси ва унинг янги технологиялар ривожланишига таъсири
- 2.5. Эндоген ўсиш назарияси ва капитал жамланиши таъсири
- 2.6. Билим диффузияси

#### 2.1. Бозор тузилмаси ва унинг янги технологиялар ривожланишига таъсири.

Инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновация маҳсулоти (технология) ҳисобланади. Инновация маҳсулоти (технологияси) ўзининг ҳажми билан фарқланади, у янги технологияни жорий этилиши эвазига корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Инновацион фаолият ўз ичига маълум босқичли жараёнларни олади. Ушбу босқичли жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.3-расм).



3-расм. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар

Инновацион фаолиятни мазмун ва моҳиятига, пировард олинadиган натижасига кўра корхоналар томонидан олиб бориладиган ички инвестиция фаолиятининг таркибий қисми, яъни унинг бир бўлаги деб ҳисоблаш мумкин. Ички инвестиция фаолияти инновацион фаолиятдан ташқари капитал қурилиш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кенгайтириш, реконструкция қилиш каби ишларни ҳам бевосита ўз ичига олади. Демак, ички инвестицион фаолият инновацион фаолиятга нисбатан мазмунан кенг тушунча ҳисобланади. Инновацион фаолиятга сарфланган маблағлар жами капитал инвестициянинг янги ғоя, ишланмалар, жараёнлар, маҳсулот, хизмат турларини яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга тааллуқли бўлган қисмидир.

Шундай қилиб, инновацион фаолият макон ва замонда юз берган ва бераётган, ўзининг моддий ва номоддий кўринишдаги ҳамда пулда баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-харажатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Айнан шу мазмунда корхоналарнинг инновацион фаолияти уларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳамда ўтказиладиган аудит предметини ташкил қилувчи объектлардан бири ҳисобланади.

Инновацион фаолият субъектлари қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолият билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар;
- инновацияларни амалга оширувчи турли мулкчилик шаклидаги инновацион корхоналар;
- инновацион фаолият жараёнида амалга ошириладиган интеллектуал мулк эгалари: корхоналар лойиҳалари, қурилмалар, саноат намуналари, технологик жараёнлар, “ноу-хау”, кашфиёт ва ихтиролар муаллифлари, дизайнерлар;
- инновациялар амалга оширишга капитал киритувчи инвесторлар: банклар, фондлар, корпорациялар, лизинг фирмалари ва ҳ.к.;
- инновацион жараёнга хизмат кўрсатадиган ва унинг инфратузилмасини таъминлайдиган воситачилар: консалтинг ва инжиниринг фирмалари, технологик инкубаторлар, технопарклар, технополислар, ахборот марказлари ва ҳ.к.;
- инновацион фаолиятни бошқариш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишда иштирок этадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари.

## 2.2. Эндоген ўсиш назарияси ва капитал жамланиши таъсири

“Кейинги пайтлардаги инновациялар оқими ИИРда уюштирилган “пойга” учун стохастик жараёнлар моделлаштирилгандир”<sup>1</sup>. XXI асрда инновацион лойиҳалар ва янги ғояларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши жамият ва инсоният тараққиёти учун самарали ҳисобланади. Технология тараққиёти асрида илмий лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва ҳаётга жорий этиш, мамлакат иқтисодиётининг юксалишида ва янгиланишида муҳим омил саналади. Инновацион фаолият инфратузилмасининг ривожланиш даражаси инновацион сиёсатни амалга оширишга таъсир этувчи асосий омиллардан биридир.

Хорижий адабиётларда “инновацион инфратузилма” атамаси янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи яратиш, ишлаб чиқаришда ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш бўйича хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар йиғиндиси сифатида таърифланади.

Инновацион фаолият инфратузилмаси - инновацион фаолият субъектларига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар жамланмасидир.

“Агар муваффақиятли инновациялар Пуассоннинг стохастик жараёни сабабли тез суръатли ( $u$ ) равишда амалга ошади деб қабул қилсак, унда маълум бир даврда фирманинг муваффақиятли инновациялардан фойдаланаётганлиги  $dt$   $udt$  га ўзгаради. Шунда кутилган монополия даромади  $\pi$  Шумпетер бўйича муваффақиятли тадбиркор учун қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\pi(n, u) = r(n)u - c(u, f) \quad (1.2)$$

<sup>1</sup> 6



бу ерда:

$r=r(n)$  – оний монопол даромад бўлиб, у инновацион мусобақа ғолиби томонидан эришилади ва  $c(u,f)$  – харажатлар функцияси тез суръатлилиқ  $u$  ва ўзгармас харажатлар  $f$  кесишганлиги”<sup>1</sup>.

### 2.3. Билимлар диффузияси

Инновацион жараённинг моҳияти шунда намоён бўладики, у инновациялар ташаббуси билан чиқиш, янги маҳсулот ва операциялар ишлаб чиқиш, уларни бозорда сотиш ва диффузиялаш бўйича мақсадли йўналтирилган ҳаракатлар занжирини ифодалайди. Инновацион жараён етита элементни ўз ичига олади, уларнинг умумий бир кетма-кетликдаги занжирга бирлашуви инновацион жараён структурасини ташкил этади.

“Вақтинчалиқ монопол фойдани қўллаб қувватланиши устундир. Ортиқчалиқни инкор этилиши таъсири фирмаларнинг инвестициявий қарорларини кескинлик билан қабул қилишига олиб келади. Чунки, кутилган даромад аслида юқорироқ бўлади. Шу ортиқчалиқ самарасига боғлиқ ҳолда билимлар диффузияси дастурий таъминотлар технологияси ва трансмиллий компаниялар томонидан кўпайтирилган бевосита инвестициялар орқали суръатлар тезлаштирилади”<sup>2</sup>.

#### Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор тузилмаси ва унинг янги технологиялар ривожланишига таъсири қандай?
2. Эндоген ўсиш назарияси ва капитал жамланиши тушунчасига таъриф беринг?
3. Билимлар диффузияси тушунчасига таъриф беринг?
4. Инновациянинг ҳаётлийлик даври нечига бўлинади.

### 3-мавзу. Танлов ва саноатнинг ривожланиши (4 соат)

Режа:

- 2.4. Инновацион ва саноат ривожланиши
- 2.5. Инновацияларни амалга оширишда танловнинг аҳамияти
- 2.6. Инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмаси

#### 3.1. Инновацион ва саноат ривожланиши

XXI асрда инновацион лойиҳалар ва янги ғояларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши жамият ва инсоният тараққиёти учун самарали ҳисобланади. Технология тараққиёти асрида илмий лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва ҳаётга жорий этиш, мамлакат иқтисодиётининг юксалишида ва янгиланишида муҳим омил саналади. Инновацион фаолият инфратузилмасининг ривожланиш даражаси инновацион сиёсатни амалга оширишга таъсир этувчи асосий омиллардан биридир.

Давлатнинг фан-техника тараққиётини тартибга солиш соҳасидаги тартибга солиш тизими куйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

- давлат сиёсатининг аниқ белгиланган мақсадларини;

---

<sup>1</sup> 6

<sup>2</sup> 7

- белгиланган мақсадларни амалга оширадиган бошқарув органлари ва уларнинг функцияларини;
- бошқарув функцияларини тўлиқ амалга оширишда тартибга солиш объекти ва ахборот берадиган ахборот тизимини;
- давлат бошқарув органларининг қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш инструментлари - давлатнинг фан-техника тараққиётини тартибга солишнинг асосий инструментларига нафақат унинг элементлари тааллуқли бўлади, балки давлатнинг илмий имтиёзлар тизимига мувофиқ, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ресурсларни тақсимлаш орқали илмий техника янгиликларини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашни;
- инновацион жараёнларнинг субъектларига турли хил имтиёзларни тақдим этишни (ҳам инновацияларни амалга ошираётган бевосита тадбиркорларга, ҳам уларни ёки бу даражада қўллаб-қувватлаётган инфратузилма элементларига);
- иқтисодиётда инновацион муҳитни шакллантириш ва илмий техник ахборотлар миллий хизматини, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, хорижий тажрибани ўрганувчи таҳлилий марказлар, илмий-техник ривожланиш, прогнозлаштирувчи кадрларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олувчи тадқиқотлар ва ишланмалар таъминоти инфратузилмаси ҳамда улар асосида қарор қабул қилувчи шахсларни устувор илмий, миллий тизимлар билан таъминлашдан иборат.

“Йованович (1982) ва Маццукато (2000) стохастик параметрларга боғлиқ бўлган харажатлар самараси устида иш олиб боришган. Саноатнинг ҳаёт циклида стохастик параметрлар томонидан маҳсулот дизайни ҳали стандартлаштирилмасдан ноаниқликлар тақдим қилинган”<sup>1</sup>.

### **3.2. Инновацияларни амалга оширишда танловнинг аҳамияти**

Экспертларнинг ҳисоблашича, “корхоналарни янги маҳаллий ва хорижий технологияларни жорий қилишга рағбатлантирувчи, асосийси бунинг учун имконият тақдим этувчи ташкилий ва институционал муҳит яратиш бирламчи аҳамият касб этади”. Бизнинг бозорда фақат ҳукуматгина инновациялар руҳини уйғотиши мумкин деган ёлғон тасаввур вужудга келиши мумкин. Фақат унинг стратегик муаммоси кучли ирода, реал стимул ва ресурслар билан таъминланган ҳолда тадбиркорликнинг ривожланишида янги босқични бошлаб бериши мумкин.

Демак, давлатнинг иқтисодий сиёсатида top-down ва bottom-up ёндашувлари имкониятларини бирлаштирувчи комплексли инновацион сиёсат зарур бўлади. Маҳаллий компаниялар, академия ва ОЎЮ эса биринчи бўлишнинг уддасидан чиқа олмасада, ҳеч бўлмаса ҳаммадан ортда қолмаслик учун диққат-эътиборни сусайтирмасликлари лозим.

“Саноат эволюцияси асосан инновациялар ва бозор структураси динамикаси орқали танлов механизмига боғлиқдир. Бу ерда янги технологиялар ва фирмаларнинг кириш ва чиқиши муҳим аҳамият касб этади”<sup>2</sup>.

Умумий жиҳатдан инновацион жараён бу воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетликдаги занжири бўлиб, унинг давомида янгилик оддий бир ғоядан муайян

<sup>1</sup> 10

<sup>2</sup> 9

маҳсулот, технология ёки хизматгача “пишиб етади”<sup>1</sup> ва хўжалик амалиётида тарқалади.

Бу жараёни куйидаги схема кўринишида акс эттириш мумкин:

Фт ↔ Ат ↔ И ↔ Л ↔ Қ ↔ Ў ↔ Си ↔ М ↔ С;

бу ерда:

Фт - фундаментал тадқиқотлар;

Ат - амалий тадқиқотлар;

И - ишланмалар;

Л - лойиҳалаштириш;

Қ - қурилиш;

Ў - ўзлаштириш;

Си - саноат ишлаб чиқариши;

М - маркетинг;

С - сотув.

### 3.3 Инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмаси

Инновацион тадбиркорлик инфратузилмаси биринчи навбатда, алоҳида бўлиб ўтадиган ва инновацион деб номланган турга мослашиб оладиган тадбиркорликни таъминловчи тизимни ифодалайди. У инновацион соҳанинг тадқиқотчилик-лойиҳалаш секторини иқтисодиётнинг реал сектори ва якуни истеъмолчи билан бирлаштиради.

Бевосита инновациялаш, яъни инновацияларни таклиф сифатида яратиш учун ва инновацион тадбиркорлик, яъни бу таклифларни амалга ошириш ва илгари суриш учун инфратузилма элементларининг мазмун-моҳиятига кенгрок эътибор қаратиш зарур (2-жадвал).

Мазкур инфратузилма турларининг айрим элементлари мос келиши ёки умумий бўлиши мумкин, бу - ахборот хизматлари кўрсатувчи фирмалар, тажриба ва муҳандислик марказлари, молиявий структуралар, патентли-лицензияли ташкилотлардир.

2-жадвал

#### Инфратузилма элементларининг қиёсий жадвали

Инновацион тадбиркорлик учун	Бевосита инновациялаш учун
Жорий қилувчи фирмалар	Саноат университетлари ва халқ
Муҳандислик марказлари	хўжалигининг бошқа секторлари
Инжиниринг фирмалари	Тадқиқотчилик мажмуалари
Ахборот хизмати кўрсатувчи фирмалар	Фанлар академияси
Консалтинг фирмалари	Кутубхоналар ва маълумотлар
Реклама фаолияти бўйича фирмалар	тўпламлари
Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари	Синов тарикасидаги ишлаб
Инноватика ихтисослашган аудиторлик	чиқаришлар
фирмалари	Тажриба лабораториялари ва
Илмий-техник ширкатлар	марказлари
Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	Ахборот хизмати кўрсатувчи
марказлари	фирмалар
Сертификация марказлари	Патент-лицензияли ташкилотлар

<sup>1</sup> Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. 34-б.

Лизинг компаниялари Патент-лицензияли ташкилотлар Бизнес-инкубаторлар Технологиялар трансфери марказлари Суғурта компаниялари	Илмий парклар Инновацион марказлар Инновацион-ишлаб чиқариш комплекслари
---	---

### Такрорлаш учун саволлар

1. Инновацияларни амалга оширишда танловнинг аҳамияти нимада.
2. Инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмасини тушунтиринг.
3. Иқтисодийнинг тармоқ корхоналари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қандай давлат дастурлари илаб чиқилган.

### 4-мавзу. Технологиялар консорциуми ва инновациялар (4 соат)

Режа:

- 4.1. Технологиялар трансфери тўғрисида умумий тушунчалар
- 4.2. Технологиялар консорциумининг инновацияларга таъсири
- 4.3. Жарёнлар бўйича инновациялар

#### 4.1. Технологиялар трансфери тўғрисида умумий тушунчалар

Технологиялар трансфери марказлари (ТТМ) илмий-техник натижаларнинг тижоратлашувини тезлатиши, кичик инновацион корхоналар, жумладан, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар таркибида яратишни таъминлаши кўзда тутилган (3-жадвал).

3-жадвал<sup>1</sup>

#### Технологиялар трансфери марказининг асосий вазифалари

Технологиянинг ривожланиш босқичлари	Технологиялар трансфери босқичлари
Илмий-тадқиқотчилик ишлари босқичларини бажариш Технологияни амалга ошириш имкониятини текшириш	Тадқиқот натижаларини эълон қилиш Патент аризалари бериш Анжуман ва кўргазмаларда қатнашиш Илмий-тадқиқотчилик ишлари натижаларига эгалик ҳуқуқини сотиш
Тажриба-конструкторлик ишлари босқичларини бажариш Маҳсулотнинг синов намунаси Технология прототипи Техник жиҳатдан амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш	Технологияни амалга ошириш учун кичик корхона ташкил этиш Технологияни сотиш
Технологияни маромига етказиш Бозор намуналари яратиш Синов тариқасидаги сотувлар Сервисни ташкил қилиш Рухсатнома олиш Сертификация	Маҳсулотни кўпайтириш (кичик серияда) ва сотиш Фойдаланувчиларни ўргатиш Диллерларни ўргатиш Сервис Технологияни сотиш

<sup>1</sup> Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. 24-25 б.

	Корхона акцияларини сотиш Бизнесни сотиш
Саноат технологияси яратиш Оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш Маҳсулотни сертификациялаш ва ишлаб чиқариш Диверсификация	Маҳсулот ва хизматларни сотиш Сервис Технологияни сотиш Корхона акцияларини сотиш Бизнесни сотиш
Ишлаб чиқаришни кенгайтириш Маҳсулотларни кўпайтириш Ишлаб чиқаришни сертификациялаш Ишлаб чиқариш ва маҳсулотни янгилаш Диверсификация	Маҳсулот ва хизматлар сотиш Сервис Фойдаланувчиларни ўргатиш Диллерларни ўргатиш Технологияни сотиш Корхона акцияларини сотиш Бизнесни сотиш

Шуни таъкидлаш жоизки, ТТМ тизимининг самарали ишлашига қатор омиллар тўсқинлик қилади. Уларнинг орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- минтақалар миқёсида инновацион жараёнларни бошқаришнинг сушт ташкил этилганлиги;
- кўпчилик ТТМда ҳам ички, ҳам хорижий бозорларга чиқиш билан боғлиқ муаммолар;
- ТТМ ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиши учун ресурслар базасининг етарли эмаслиги;
- инновацион фаолият кучайишини рағбатлантирадиган меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг йўқлиги.

“Қанчалар қизиқ туюлмасин, Интернет тармоғида оммалашиб бораётган Cloud тизими иқтисодиётда ҳам ўз таъсирига эгадир. Бунга мисол сифатида технологиялар консорциумини тузилишини келтириш мумкин. Унга кўра, фирмалар горизонтал йўналишда коалициялар [2] тузишади. Бу коалицияларнинг мақсади биргаликда инновацияларни жорий этиш, жорий этиш бўйича тажриба алмашиниш ва биргаликда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришдир. Ушбу ишлар технологик инновацияларни яратишда таннарх пасайишга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, улар энг самарали ҳамкорликда ишлардан биридир”<sup>1</sup>.

#### **4.2. Технологиялар консорциумининг инновацияларга таъсири**

Технологик инновациялар деганда юридик шахснинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада такомиллаштиришларни, технологик янги ва сезиларли даражада такомиллаштирилган хизматларни, хизматлар ишлаб чиқарилиши (етказиб берилиши) бўйича янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолияти назарда тутилади. Технологик инновациялар юридик шахс томонидан биринчи мартаба ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар, жараёнлар, хизматлар ва усуллар шаклида (агар улар бошқа юридик шахслар томонидан қўлланиладиган бўлса ҳам) бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> 21

Технологик инновацияларнинг иккита тури мавжуд. Булар: маҳсулотлар бўйича инновациялар ва жараёнлар бўйича инновациялар.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳсулот бўйича инновациялар технологик янги ва такомиллаштирилган маҳсулотларни тайёрлаш ва жорий этишни ўз ичига олади. Технологик янги маҳсулот – технологик хусусиятлари (функционал белгилари, конструктив йўл билан бажарилиши, қўшимча операциялари, шунингдек қўлланиладиган таркибий қисмлар ва материаллар таркиби) ёки қўлланилиш мақсади принципадан янги ёки юридик шахс томонидан илгари ишлаб чиқарилган шунга ўхшаш маҳсулотдан сезиларли даражада фарқ қилувчи маҳсулотдир. Бундай инновациялар принципадан янги технологияларга ёки мавжуд технологиялардан, тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин.

“Технологик консорциумларнинг 4 тури мавжуд бўлиб, улар:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини коалициялар орқали такомиллаштириш.
2. Ўзгармас капиталга инвестициялар киритишдаги харажатларни бўлишиш.
3. Технологияларни ортиқчалик самарсини ошириш учун ўзаро бўлишиш.
4. Нарх дискриминацияси орқали инновациялар харажати ўзаро тақсимлаш”<sup>1</sup>.

Технологик жиҳатдан такомиллаштирилган маҳсулот – бу юқорироқ самарали таркибий қисмлар ва материаллардан фойдаланиш, бир ёки ундан ортиқ техник таркибий қисмларини қисман ўзгартириш (комплекс маҳсулотларда) йўли билан ишлаб чиқарилишининг сифат бўйича хусусиятлари яхшиланадиган ва иқтисодий самарадорлиги ошадиган маҳсулотдир.

### **4.3 Жараёнлар бўйича инновациялар**

Жараёнлар бўйича инновациялар технологик янги ёки технологик жиҳатдан сезиларли даражада такомиллаштирилган ишлаб чиқариш, шунингдек маҳсулотларини етказиб бериш усуллари ишлаб чиқиш ёки жорий этишни ўз ичига олади. Бу турдаги инновациялар янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг янги усулларидан фойдаланишга ёки уларни биргаликда қўллашга, шунингдек тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин. Бундай инновациялар, одатда, ташкилотда илгари мавжуд бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки етказиб беришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши, шунингдек одатдаги усуллар ёрдамида амалга ошириш имкони бўлмайдиган технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

Жараёнлар бўйича инновацияларни ташкилот биринчи бўлиб жорий қилган бўлиши муҳим эмас.

Технологик инновацияларга қуйидагилар кирмайди:

- маҳсулотдаги эстетик (рангида, безатилишида) ўзгартиришлар;
- маҳсулотнинг конструктив вазифаларини ўзгартирмайдиган, унинг ёки таркибий қисми ҳисобланган материаллар ва компонентларнинг кўрсаткичларига, хусусиятларига, нархига етарлича сезиларли таъсир кўрсатмайдиган техник ва ташқи кўринишда сезиларсиз даражадаги ўзгартиришлар;

---

<sup>1</sup> 22

- вақтинчалик талабни ва ташкилотнинг даромадларини таъминлаш мақсадида ташкилот томонидан илгари ишлаб чиқарилмаган, аммо маҳсулотлар, ишлар, хизматлар бозорида етарлича маълум бўлган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш (бошқа ихтисослик бўйича бўлиши ҳам мумкин) эвазига уларнинг турларини кўпайтириш. Масалан, машинасозлик заводида мавсумий талабдан фойдаланган ҳолда ёзги даврда бошқа ихтисослик бўйича маҳсулот, яъни мих ишлаб чиқарилиши;

- маълум моделдаги қўшимча дастгоҳларни ўрнатиш, ҳатто уларни шу моделнинг охириги модификацияга алмаштириш эвазига ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш;

- тўлалигича бошқа ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган ва тайёрланган инновацион товарлар, ишлар, хизматларни сотиш;

- ташкилий ва бошқариш бўйича ўзгартиришлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Технологиялар трансфери тўғрисида тушунча беринг.
2. Технологиялар трансфери марказининг асосий вазифалари нимадан иборат?
3. Технологик консорциумларнинг қандай турлари бор?
4. Технологиялар консорциумининг инновацияларга таъсири қандай?
5. Технологик инновациялар ва уларнинг турларини санаб беринг.
6. Жарёнлар бўйича инновациялар.
7. Технологик жиҳатдан такомиллаштирилган маҳсулот деб нимага айтилади?

## **5-мавзу. Инновацияларнинг иқтисодий аҳамияти (4 соат)**

Режа:

- 5.1. Корхонанинг инновацион салоҳияти
- 5.2. Инновацияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

### **5.1 Корхонанинг инновацион салоҳияти**

Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожланишининг сўнгги босқичларида инновацион жараёни жадаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президент И.А.Каримовнинг 2008 йилдаги “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари” №916-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг инновацион жараёнининг натижавийлиги жами омиллар, яъни амалга ошириш шароити, ресурслар таъминоти, менежмент тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан аниқланади. Инновацион салоҳият тушунчаси иқтисодиёт фанида XX асрнинг сўнгги йилларида пайдо бўлди. Инновацион салоҳият мамлакатнинг техника ва технологияси янгилалиши, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади. Баъзи иқтисодчи олимларимиз инновацион салоҳиятни иқтисодий салоҳиятдан юқори қўйишади. Бунда улар илмий-техника даражасига кўпроқ эътибор қаратишади. Бизнинг фикримизча, бундай қарашлар унчалик тўғри эмас. Чунки ҳар қандай ҳолатда иқтисодий салоҳият инновацион салоҳиятга қараганда анча кенг тушунча бўлиб, у мамлакатдаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ресурслар салоҳияти, моддий-минерал салоҳияти, қазилма бойликлар салоҳияти ва бошқаларни қамраб

олади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда иқтисодиёт салоҳияти 3,0 трл. АҚШ долларидан ортиқдир. Инновацион салоҳиятни кучайтириш катта ҳажмда инвестицияни жалб этишни талаб қилади. Ҳозирда иқтисодий ривожланган давлатлар янги техника ва технологияни яратишга, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ЯИМнинг 5-7 %ини сарфлайди. Ўзбекистонда эса бу рақам бироз паст. Шу билан бирга республикамизда интеллектуал салоҳият бошқа мамлакатларга қараганда анча юқори.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, корхонанинг инновацион салоҳияти корхонанинг барча жиҳатлари, яъни янгиликни яратиш ва ундан амалиётда фойдаланиш қобилиятини ифодалайди.

Корхонанинг инновацион салоҳияти элементларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- моддий-техник ресурслар;
- моддий ва номоддий активлар;
- молиявий ресурслар;
- ташкилий ресурслар;
- кадрларга оид ресурслар;
- ижтимоий-руҳий омиллар.
- Шундан келиб чиқиб, корхона инновацион жараёнларни ташкил этиш учун ихтиёрида қуйидагиларга эга бўлиши лозим:
  - ғоя ва ишланмаларни молиялаштириш учун етарли пул маблағлар;
  - янги маҳсулотни яратиш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш учун тегишли моддий-техника базаси;
  - янгиликларни амалга ошириш ва уни жорий этиш учун қобилиятли ходимлар;
  - ҳар қандай инновацион жараён асосида ётувчи оригинал (расман) ғояларни ишлаб чиқиш имконияти.

## **5.2 Инновацияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни**

Инновацион салоҳиятни ошириш кичик корхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар катта корхоналарга қараганда, 4 баробар кўп инновациялар яратади ёки илмий тадқиқотга киритилган ҳар бир долларга кичик инновацион корхоналар 2,5 баробар кўп маҳсулот яратадилар. Корхоналарда инновацион салоҳиятни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга:

- илмий-техник салоҳият (илмий даражага эга ходимлар сони; бир ходимга тўғри келадиган рационализаторлик таклифлар сони; патентлар сони ва бошқалар);
- коммерциализация кўрсаткичлари (ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмида янги маҳсулот улуши; лицензия шартномалари сони ва бошқалар);
- бажарилаётган ишларнинг давомийлиги (инновацион даврнинг катталиги);
- инновациянинг бошқарилаётган тизими тавсифи (корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш шакллари; юқори даражадаги раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиши; инновацион фаолиятга қатнашувчиларга эркинлик даражасини таъминланиши).

Инновацион фаолият мақсадларни амалга ошириш миқёси ва хусусиятлардан келиб чиқиб, инновацион стратегияни ишлаб чиқиш мумкин. Инновацион стратегия корхонанинг узоқ муддатга ривожланишида инновацион салоҳиятдан самарали



фойдаланишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасидир. Инновацион ўзгаришлар рақобат афзалликлари асосида ўрганилиб, қуйидаги стратегиялар ишлаб чиқилади:

- дифференциациялаш;
- харажатларни пасайтириш;
- энг яхши қиймат.

“Инновацияларнинг иқтисодий аҳамиятини мисолларда кўриб чиқиш материални тушунишни янада оснлаштириши шубҳасиздир. Шундай экан, инновацияларнинг турли мамлакатлар, хусусан, Хитой, Тайван, Корея ва Сингапурлар мисолида мамлакат саноатида ва иқтисодиётининг ўсишидаги аҳамияти эътиборга сазовордир. Уларнинг инновацион ривожланиши бошқа Европа мамлакатларига нисбатан анча тез бўлганлиги сабаби шундаки, бу мамлакатлар инновацияларни яратиш учун технологияларни ҳориждан сотиб олиб, ўзлари уни такомиллаштириш устида ишлашган”<sup>1</sup>.

Country	ICI rank	ICI score
Sweden	1	82.2
USA	2	77.8
Singapore	6	76.5
Taiwan	13	72.9
Japan	15	72.1
Hong Kong	16	71.3
South Korea	19	70
Malaysia	34	57.3
China	65	49.5
India	85	45.6
Brazil	87	45.2

“Бомол, инновацион иқтисодиёт соҳасининг етакчи олимларидан бири, нима сабабдан бу мамлакатларда фирмалар инновацион ривожланишни айнан кўзлаган МЧЖларни тузишгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтган. У инновациялар сиғими индекси (ИСИ)ни ишлаб чиқиб, қуйидагича анализ олиб борган(5-расм):

Бу ерда ICI rank – инновациялар сиғими индекси бўйича мамлакатларнинг дунёдаги ўринлари.

ICI score – ИСИ кўрсаткичлари тартиб бўйича келтирилган”<sup>2</sup>.

#### Такрорлаш учун саволлар

1. Корхонанинг инновацион салоҳиятига таъриф беринг.
2. Инновацияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни қандай.
3. Инновацияларни молиялаштириш манбаларини санаб беринг.

### 6-мавзу. Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари (4 соат)

Режа:

- 6.1. Хизматлар соҳасидаги инновациялар
- 6.2. Маркетинг инновациялари
- 6.3. Нархларни шакллантиришдаги инновациялар
- 6.4. ташкилий ва бизнесни юритишдаги инновациялар

#### 6.1. Хизматлар соҳасидаги инновациялар

Хизматлар соҳасидаги маҳсулотлар бўйича инновациялар ўз ичига қуйидагиларни олади: принципал жиҳатдан янги хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; мавжуд хизматларга янги функциялар ва хусусиятлар қўшиш орқали уни такомиллаштириш; хизматлар билан таъминлашда (масалан, уларнинг самарадорлиги ва тезлиги нуқтаи-назаридан) сезиларли даражада яхшиланишлар.

<sup>1</sup> 23

<sup>2</sup> 25

“Хизматлар соҳасидаги жараёнлар бўйича инновациялар хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этишнинг янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этишни ўз ичига олади”<sup>1</sup>.

Қуйидаги ўзгартиришлар, агар улар янги ёки сезиларли яхшиланган хизматларни, уларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш усуллари жорий этишга бевосита боғлиқ бўлмаса, технологик инновациялар ҳисобланмайди:

- ташкилий ва бошқариш бўйича ўзгартиришлар (жумладан: бошқаришнинг илғор усулларига ўтиш, жиддий ўзгартирилган ташкилий тузилишни жорий этиш, ташкилотнинг иқтисодий стратегиясида янги ёки сезиларли ўзгартирилган йўналишларни амалга ошириш);

- сифат стандартларини жорий этиш.

## **6.2. Маркетинг инновациялари**

Маркетинг инновациялари деганда янги ёки сезиларли яхшиланган маркетинг услубларини жорий этиш тушунилади. Булар ўз ичига: маҳсулотларнинг дизайни ва қадокланишида жиддий ўзгартиришлар; маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича, шунингдек уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш; янги нарх стратегияларини шакллантиришни олади. Бу ўзгартиришлар маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида маҳсулотлар ва хизматлар истеъмолчиларининг таркибини кенгайтиришга йўналтирилган бўлади. Маҳсулот дизайнидаги ўзгартиришлар янги маркетинг концепциясининг бир қисми бўлиб, улар маҳсулотнинг шакли ва ташқи кўринишидаги ўзгартиришларни ўз ичига олади. Булар маҳсулотнинг функционал ва фойдаланиш хусусияларига таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, бундай ўзгартиришларга қадокланиши ташқи кўринишини таърифлаб берувчи истеъмол маҳсулотлари, ичимликлар, ювиш воситалари каби маҳсулотларнинг қадоклидаги ўзгартиришлар ҳам қиради.

Маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича янги услублардан фойдаланиш сотишни кенгайтириш билан боғлиқдир. Бунга логистика (хомашё, таркибий қисмлар ва тайёр маҳсулоларни ташиш ва омборхоналарда сақлашни бошқариш) услублари қирмайди. Маҳсулот (хизмат)ларни бозорга танитиш ва олиб чиқишнинг янги услубларидан фойдаланиш ташкилотнинг маҳсулот ва хизматларини олиб чиқиш учун янги концепциялардан фойдаланишни аниқлатади.

## **6.3. Нархларни шакллантиришдаги инновациялар**

Нархларни шакллантиришдаги инновациялар – ташкилотнинг маҳсулотлар ва хизматлар билан савдо қилиши учун янги нарх стратегияларидан фойдаланишини билдиради. Маркетинг воситаларидаги мавсумий, доимий ёки бошқа жорий ўзгаришлар, агар улар янгилик олиб келмасалар, маркетинг инновациялари ҳисобланмайди. Маҳсулотлар бўйича инновациялар билан маркетинг инновацияларини бир-биридан фарқловчи асосий мезон – бу маҳсулотнинг функцияларида ёки ундан фойдаланиш усулларида жиддий ўзгаришлар мавжудлигидир. “Агар маҳсулот ва хизматларнинг функционал ёки фойдаланиш хусусиятлари мавжуд маҳсулот ва хизматларниқидан анча яхшиланган бўлса, бу

---

<sup>1</sup> Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. 29 б.

маҳсулотлар бўйича инновациялар ҳисобланади. Маҳсулот дизайнидаги ўзгаришлар эса, агар унинг функционал ёки истеъмол хусусиятлари сезиларли даражада ўзгармаган бўлса, бу маркетинг инновациялари ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Жараёнлар бўйича ва маркетинг инновациялари ўртасидаги фарқ қуйидагича намоён бўлади. Жараёнлар бўйича инновациялар маҳсулот бирликларига харажатларни камайтириш ёки сифатини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни етказиб бериш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Маркетинг инновациялари эса сотиш ҳажмини ёки маҳсулотлар нархини (янги нарх стратегияларини қўллаган ҳолда) оширишга йўналтирилган бўлади.

#### **6.4. Ташкилий ва бизнесни юритишдаги инновациялар**

Ташкилий инновациялар – бу бизнесни юритишда, иш ўринларини ёки ташқи алоқаларни ташкил этишда янги услубларни ишлаб чиқишдир. Бундай инновациялар бошқарув ва трансакцион харажатларни қисқартириш, ташкилот томонидан ишчиларнинг иш ўринлари (иш вақтлари) билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, бозорда мавжуд бўлмаган активларга йўл топиш ёки етказиб бериш нархини камайтириш йўли билан ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлади. Ташкилот бундай ташкилий инновацияларни биринчи бўлиб жорий этган бўлиши муҳим эмас.

“Умуман олганда инновацияларни турларга ажратганда турли олимларни ёндашуви хилма хилдир. Масалан, Вальрас ва Бомол (2000) инновацияларни турларга ажратишда микроиктисодий томондан ёндашиб, ҳар бир турдаги инновацияни модель кўринишидаги ҳисоб китобини олиб боришган. Уларга кўра, инновацияларнинг маҳсулот турини кенгайтиришдаги аҳамияти асосий эътибор маркази бўлган. Ромернинг фикрича эса инновацияларни турларга ажратишда бизнесга кириб келиш имкониятини бера олиш ва ИИР харажатларини ҳеч қийинчиликсиз қоплай олиш асосий меъзон сифатида келтирилган”<sup>2</sup>.

Бизнесни юритишдаги инновациялар тадбиркорлик фаолиятининг янги ташкилий усулларини ишлаб чиқишни билдиради. Масалан, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: билимларни бошқаришнинг корпоратив усулларини жорий этиш; ходимларнинг савиясини оширишга ва кўчиб юришини камайтиришга мўлжалланган ўқитиш тизимини йўлга қўйиш; ишлаб чиқариш ва етказиб беришни тўлиқ бошқариш, жумладан етказиб бериш занжирини, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишни, шунингдек сифатни бошқариш тизимини жорий этиш.

Иш ўринларини ташкил этиш бўйича инновациялар – бу ташкилотнинг алоҳида фаолият тури доирасида ёки турли фаолиятлари (таркибий бўлинмалари) ўртасида ишларнинг бажарилиши бўйича ходимлар орасида жавобгарлик ва ваколатларни тақсимлашнинг янги усулларини йўлга қўйишдир. Шунингдек, фаолиятни структуризация қилиш, яъни фаолиятнинг турли йўналишларини интеграциялаштириш бўйича янги концепцияларини жорий этишдир.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1.Хизматлар соҳасидаги инновацияларга таъриф беринг.

---

<sup>1</sup> 110

<sup>2</sup> 102

2.Маркетинг инновациялари ва нархларни шакллантиришдаги инновацияларга таъриф беринг.

3.Ташкилий ва бизнесни юритишдаги инновациялар.

4.Жараёнлар бўйича ва маркетинг инновациялари ўртасидаги фарқни мада

## 7-мавзу. Саноатда инновацион моделлар (4 соат)

Режа:

7.1. Инновацион фаолиятни бошқариш услуги.

7.2. Инновацион жараённинг чизиқли модели ва уни жорий қилиш шартлари.

7.3. Инновацион фаолиятнинг бошқариш қонунияти.

### 2.1. Инновацион фаолиятни бошқариш услуги

“Жати Сенгуптанинг инновацион моделлар классификацияси қуйидагича:

1. Рақобатдош инновацион моделлар
2. Техник инновациялар ва диффузион моделлар
3. Курно-Нашнинг ортиқчалик самараси динамик модели
4. Талабга оид инновацион модель”<sup>1</sup>.

Инновация статикада ҳам, динамикада ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Агар статикада янгилик киритиш бу янгиликларни тижоратлаштиришнинг якуний натижаси бўлса, динамикада янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш мураккаб жараёни ҳисобланади.

Инновацион жараённинг моҳияти шунда намоён бўладики, у инновациялар ташаббуси билан чиқиш, янги маҳсулот ва операциялар ишлаб чиқиш, уларни бозорда сотиш ва диффузиялаш бўйича мақсадли йўналтирилган ҳаракатлар занжирини ифодалайди.

Янги маҳсулот (операция) асослаб берилгач, таклиф этилаётган инновациянинг маркетинг тадқиқотлари ўтказилади. Маркетинг тадқиқотлари давомида янги маҳсулот ёки операцияга талаб ўрганилади, агар улар лимитланадиган бўлса уларни чиқариш ҳажми ёки сони белгиланади, инновацияга бозорга кириб бораётган товар сифатида бахшида этиш лозим бўлган товар тавсифномалари ва истеъмол хусусиятлари аниқланади. Сўнгра инновацияни сотиш, яъни бозорда инновациянинг кичик партияси пайдо бўлиши, уни илгари суриш, самарадорлигини баҳолаш ва диффузиялаш амалга оширилади.

Қуйидаги жадвалда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омиллар тизими кўрсатилган.

4-жадвал

### Инновацион жараёнлар ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар


Омиллар гуруҳи	Салбий таъсир этувчи омиллар	Ижобий таъсир этувчи омиллар
<i>Иқтисодий</i>	Инвестиция маблағларининг етишмаслиги	Зарурий молиявий захираларнинг мавжудлиги
<i>Технологик</i>	Моддий-техника ва илмий-техникавий ишлар учун зарур бўлган шароитларнинг талабга	Етарли даражада моддий-техникавий базанинг ва ишлаб чиқариш технологиялари, хўжалик

<sup>1</sup> 34

	жавоб бермаслиги. Мавжуд технологияларининг эскилиги ва хоказо	ҳамда илмий-техникавий инфратузилманинг мавжудлиги
<i>Сиёсий</i>	Антимонопол қонунлар томонидан чекланганлиги	Қонуний чора-тадбирларнинг яратилиши
<i>Ҳуқуқий</i>	Солик, амортизация, патент-лаш ва лицензиялаштиришнинг талабга жавоб бермаслиги	Инновацион фаолиятнинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш
<i>Ташкилий</i>	Ташкилий таркибларнинг эскириши	Бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкилий таркибни такомиллаштиришга мойиллиги
<i>Бошқарув</i>	Марказлаштирилган авторитар бошқарув, ахборотлар билан таъминлашнинг ва субъектлар ҳамда ички субъектлар муносабатларининг мураккаблиги. Инновацион жараён бўйича келишувнинг мураккаблиги	Ишлаб чиқариш ташкилий тизимининг муқобиллиги, демократик бошқарувга асосланиши, ахборотлар билан таъминланиши. Инновацион жараёни амалга оширишда умумий мақсаднинг шаклланиши
<i>Ижтимоий-психологик</i>	Ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши асосида янги иш жойларининг мослашуви, мавжуд ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш. Ишлаб чиқариш эски усулларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш олдидаги кўрқув, омадсизлик	Маънавий рағбатлантириш. Ижтимоий тан олиш, инновацион меҳнатга шароит яратиш, талаб даражасида психологик шароитлар яратилиши
<i>Маданий</i>	Субъектлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг талабга жавоб бермаслиги, ишончга, ҳурматга асосланмаганлиги	Ўзининг инновацион маҳоратини кўрсатишга шароитнинг мавжудлиги. Субъектлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ишончлилик муносабатларига ва ҳурматга асосланиши

## 7.2. Инновацион жараённинг чизиқли модели ва уни жорий қилиш шартлари

XX асрнинг иккинчи ярми инновацион ривожланиш бўйича ҳайратланарли мисолларни тақдим этди. Жаҳон инновацион майдонида ўзларининг афзалликларини ишга солишга барча диққатини қаратган, ўз миллий, илмий-техникавий ва технологик сиёсатини шаклантирган мамлакатлар рақобатбардош бўлиб чиқдилар.




**6-расм. Инновацион иқтисодиётнинг юзага келиш хронологияси**

Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ турлича номланади: интеллектуал капитал, кўринмас активлар (7-расм). Агар барча таркибий элементларни бир махражга келтиришга уриниб кўрилса, унда булар турли билим шакллари эканлиги аён бўлади.



**7-расм. Интеллектуал капиталнинг таркиби**




8-расм. Инновацион жараённинг чизиқли модели

### 7.3. Инновацион фаолиятнинг бошқариш қонунияти

Инновацион фаолиятнинг назарий асослари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, Австриялик олим Й.Шумпетер инновацион ўзгаришларни беш йўналишга бўлган: янги техника ва технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришни янги бозор асосида таъминлаш; янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш; янги хом-ашёлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан таъминлаш; янги истеъмол бозорларини очиш<sup>1</sup>.

Инновацион жараён инновацион фаолиятга нисбатан кенг маънога эга бўлиб, инновацион жараённинг амалга ошириш хусусиятлари мавжуд (9-расм).



9-расм. Инновацион жараённи амалга ошириш хусусиятлари

<sup>1</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. С. 386.

“Асосий ривожланишга нафақат инновацияларни саноат билан боғлаш орқали, балки таркибий ўзгаришларни ва уларда инновацияларни амалга ошириш орқали эришилганлиги Меткалфе, Доси, Монтоббио, Де Брессон ва Андерсенларнинг илмий ишларида аниқ ёритилгандир”<sup>1</sup>.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Инновацион жараён, ғояларни мураккаб занжирини ифодалаб беринг.
2. Инновацион фаолиятга таъсир этувчи асосий омилларни кўрсатиб беринг.
3. Инновацион фаолиятни башқаришни қандай қонуниятларини биласиз?
4. Инновацион жараённи амалга ошириш хусусиятларини шархланг.

### **8-мавзу. Илмий техника тараққиёти ва уни бошқариш (4 соат)**

Режа:

- 8.1. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг давлат сиёсати, моҳияти ва унинг бош мақсади.
- 8.2. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ва инновацион сиёсат йўналишлари.
- 8.3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш механизми.
- 8.4. Халқаро илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси.

#### **8.1. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг давлат сиёсати, моҳияти ва унинг бош мақсади**

Замонавий шароитларда инновацион фаолиятни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш қуйидагиларни таъминлаши лозим бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва жорий қилишни назарда тутди:

- 1) инновацион фаолият маҳсулотларини сотишдан олинган фойда ва маблағларнинг бу улушини имтиёзли солиққа тортиш ҳисобига давлат, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хусусий шахслар ўз даромадларининг сезиларли қисмини инновацион фаолиятга киритишдан манфаатдорлиги;
- 2) кооперация бўйича барча ҳамкорлар ва қатнашчиларнинг инновацион ғояни товар кўринишигача етказиш ва солиқ тўловларини камайтириш ёки солиқлардан озод қилиш ҳисобига уларни бозорда тижорат асосида сотиш;
- 3) инновацион фаолият қатнашчиларининг кафолатланган ва имтиёзли кредит олиш имконияти;
- 4) илмий жамоаларнинг ҳам, алоҳида олимлар ва мутахассисларнинг ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- 5) инновацион жараён қатнашчилари ва ижрочиларининг ҳам, бу жараёнларни молиялаштирувчи инвесторларнинг ҳам суғурта ҳимояси ва умумэтироф этилган ижтимоий мақомини таъминлаш.

#### **8.2. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ва инновацион сиёсат йўналишлари**

“Кўчириб ўтказиш” стратегияси мавжуд хорижий илмий-техника салоҳиятидан фойдаланиш ва янгиликлар киритишни ўз иқтисодиётига кўчириб ўтказишдан иборат”<sup>2</sup>. Бу стратегия биринчи навбатда, Японияда иккинчи жаҳон

<sup>1</sup> 34


<sup>2</sup> 55



урушидан кейинги йилларда фойдаланилган, АҚШ, Англия, Франция, Россия каби ривожланган мамлакатларда хорижда талаб юқори бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун юқори самарали технология лицензиялар харид қилинган, келгусида фундаметал тадқиқотлар ва лойиҳалардан тортиб то инновацияларни жорий қилиш, уларни мамлакат ичкарасида ва жаҳон бозорида амалга оширишгача бўлган бутун инновацион циклни таъминлаган ўзининг илмий-техник ва илмий-исломий салоҳияти яратилган.

“Ўзлаштириш” стратегияси шундан иборатки, арзон ишчи кучига таянган ўзининг йўқотилаётган илмий-техник салоҳияти бир қисмидан фойдаланган ҳолда илгари саноати ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, келгусида ишлаб чиқаришга муҳандислик-техник ҳамкорлик қилиш ҳамда иқтисодиётнинг давлат ва бозор шаклларини уйғунлаштирган ҳолда инновацион фаолиятни кучайтиришни таъминлаш, ўзининг илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишга қодир бўлган илмий-техник салоҳият тикланади”<sup>1</sup>.


### 8.3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш механизми



10-расм. Давлатнинг инновацион тизими модели

### 8.4. Халқаро илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси.

<sup>1</sup> 56



**11-расм. Илмий ва инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми**

### Такрорлаш учун саволлар

1. Инновация фаолиятига давлатнинг фаол аралашув стратегиясининг мақсади нимадан иборат?
2. Илмий фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тушунтиринг?
3. Илмий-техник рақобат нима?
4. Инноваторлар меҳнатини рағбатлантириш деганда нимани тушунаси?
5. Ҳалқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини айтиб беринг?

### 9-мавзу. Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш

Режа:

- 9.1. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- 9.2. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи.
- 9.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида интеллектуал мулкни Ўзбекистонда муҳофазалаш
- 9.4. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.

### **9.1. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1996-йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-йил, 135-модда) қабул қилинган.

И. Умумий қоидалар.

1-модда. Асосий тушунчалар.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Муаллиф» — ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс;

«Ёзув» — овозлар ва (ёки) тасвирларнинг уларни техникавий воситалар ёрдамида қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки узатиш имконини берадиган бирор-бир моддий шаклдаги мужассами;

«Ижрочи» — актёр, кўшиқчи, мусиқачи, раққос ёки рол ўйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан естрада, стирк ёки кўирчоқли номерни) бошқа бир тарзда ижро этадиган шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёри ва дирижёр;

«Эълон қилиш (ошкор қилиш, чоп этиш)» — омманинг оқилона талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ҳамда асарнинг, фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққани ҳолда асар, фонограмма нусхаларини муомалага етарли миқдорда чиқариш;

«Манзарали амалий санъат асарлари» — амалда фойдаланиладиган буюмларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан, бадий хунармандчилик асари ёки саноат йўли билан тайёрланадиган асар;


«Фонограмма» — бирон-бир ижро ёки бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлоқ овозли ёзуви;

«Асар нусхаси» — асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

«Фонограмма нусхаси» — фонограммадан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммага жо бўлган овозларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини қамраб олган ҳар қандай моддий жисмдаги фонограмма кўчирмаси.

### **9.2. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи**

Патент ҳуқуқи. У дастлаб феодализмнинг сўнги даврларида феодал жамият негизида хўжалик юритишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлаши билан юзага келди. Патент ҳуқуқи — ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия йўлига ўтиши натижасида шаклланди (12-расм).



**12-расм. Миллий патент тизимлари схемаси**

“Инновацион мусобақа патентлар пойгасини ўз ичига олиб, фирмалараро инновацияда биринчиликка сазовор бўлиш деганидир. Патентлар пойгасида биринчиликни олган фирма ўз маҳсулотини сотишда махсус ҳуқуққа эга бўлиб бозорда ўз монополиясига 15 йилдан 20 йилгача бўлган даврда эришади”<sup>1</sup>.

### **9.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида интеллектуал мулкни Ўзбекистонда муҳофазалаш**

Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат – Париж конвенсияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

Таркибида патентланган объектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш.

Табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларнинг қўлланиши. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган объектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қилади, лекин бундай ҳолларда объектдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади.

Таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг лицензияси).

Дорихоналарда шифокор рестепти бўйича дориларни бир марта тайёрлаш.

Ихтирога патент – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма-йил мобайнида амал қилади, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади.

Ихтирога дастлабки патент (2002-йил октябр ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилиб, устуворлик санасидан бошлаб беш-йил мобайнида амал қилади. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

### **9.4. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти**

Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг тарихи 1883 ва 1886-йиллардан Саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж конвенсияси ва Адабий ва бадиий асарларни

<sup>1</sup> 127

муҳофаза қилиш Берн конвенсияси қабул қилингандан бошланган. Бу Конвенсиялар "Халқаро бюрлар" деб номланган ўз котибиятларини ташкил этишни кўзда тутган еди. 1893-йилда бу икки котибият "Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган халқаро бюролар" ёки франсуз тилида қисқартирилган БИРПИ номи остида ягона котибиятга бирлаштирилди.

Ҳозирги Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (қисқартирилган шаклда "БИМТ", инглиз тилида - "ВИПО", франсуз ва испан тилларида — "ОМРИ") 1967-йил 14-июлда имзоланган "Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш Конвенсияси"га мувофиқ тузилган. Бу Конвенсия 1970-йилда кучга кирган.

Ҳозирда БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими таркибига (1974-йил декабридан) қирувчи ихтисослашган муассасадан иборат.

2001-йил 1-январига келиб ташкилот 175 давлатни бирлаштирди.

## **10-мавзу. Ўзбекистон миллий инновацион тизими (4 соат)**

Режа:

- 10.1. Ўзбекистон миллий инновацион тизими ва унинг аҳамияти.
- 10.2. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.
- 10.3. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги фан сифими юқори маҳсулотлардаги роли ва ўрни.
- 10.4. Ўзбекистон Республикасида технологик ва социогенетик инновациялар.

### **10.1. Ўзбекистон миллий инновацион тизими ва унинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек "Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади"<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир, илм талаб ва юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўрни катта. Шу боис бутун дунёда янги ва илғор технологияларнинг бозор қиймати ошмоқда. Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани туфайли ушбу салоҳият юксалиб бормоқда. Ҳар йили истиқболли илмий ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат грантлари ажратилмоқда. Давлат илмий-техник дастурлари доирасида рўёбга чиқарилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар жаҳон илм-фани учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Олимлар ўз ишларини, биринчи навбатда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар олдида турган аниқ вазифаларни ҳал этишга йўналтираётир.

### **10.2. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси**


Фаннинг зиммасига жамиятга янги имкониятлар бериш каби асосий вазифа юклатилса, янгиликни жорий этишнинг асосий вазифаси инсонлар яшаш тарзига таъсир қилишдан иборат бўлади. Демак, янгиликни жорий этиш биринчи бўлиб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1991.

маҳсулот ёки хизматни қўллаш эмас, балки янги ғоя ва илмий натижаларни тижорат даражасида ўзлаштиришдир.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорликни чизма кўринишида куйидагича тасвирлаш мумкин (13-расм).

Фундаментал изланишлар ўзининг ҳаракат динамикасига эга. Улар амалий ишлаб чиқариш фаолияти талабига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Фундаментал фанлар аксарият ҳолларда туб ўзгаришларга олиб келувчи ихтиролар ва янгиликлар яратиши мумкин. Ярим ўтказгичлар, лазер, ген муҳандислиги, ўта ўтказувчанлик ва шу кабилар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида янги йўналишлар очилишига сабаб бўлади. Шунга қарамай, янги ихтиролар инновацион жараёнларнинг бир бўлаги бўлиши учун, бозор чиғиригидан ўтиши керак. Фундаментал фаннинг ҳамма натижалари ҳам ишлаб чиқаришга зудлик билан татбиқ этилавермайди (инновацион жараёнлар айнан ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилади).



13-расм. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

### 10.3. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги фан сиғими юқори маҳсулотлардаги роли ва ўрни

Бугунги кунда жамият шу даражада тараққий этиб кетдики, унда ўз ўрнига эга бўлишни истаган ҳар қандай мамлакат ёки компания рақобатга киришмоғи шарт бўлиб қолди. Ривожланган мамлакатларда ёхуд дунё саҳнида айнан мана шундай рақобатбардош компанияларгина ўз ҳаётлари давомийлигини сақлаб қолиши мумкин. Шундай компаниялар ҳам борки, улар инсоният тамаддунидан 20-30 йил илгари юришади.

Замонавий инновацион муҳит ҳолати айрим объектив сабабларга кўра қисқа муддат ичида маҳаллий бизнеснинг инновацион даражаси юқори бўлишига имкон бера олмайди ва шу сабабдан унинг ривожланиши давлатнинг қўллаб-қўвиладиган йўналишлари бўйича куч сарфлашини талаб қилади. Бунда куйидаги муаммоларга эътибор қаратиш зарур:

- бизнеснинг илмий-техник ахборотларга эга бўлиши учун транзакция харажатлари жуда катта;
- янги технологияларнинг қиймат ва бозор рисклари корхоналар, айниқса, кичик корхоналар учун жуда катта;
- инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ўз ресурсларини таклиф этувчи молиявий ва инвестицион институтларнинг кенг камровли ва диверсификацияланган бозори мавжуд эмас;
- хусусий сектордаги қўллаб-қўвиладиган корхоналарда инновацион бошқарув қарорлари тизими шакллантирилмаган;

- фанни ишлаб чиқариш билан боғлаб туриши мумкин бўлган инновацион воситачилар институти ривожланган тармоғи яратилмаган;
- рақобатли муҳит маҳаллий корхоналарни инновацияларни жалб қилишга етарли даражада рағбатлантормайди;
- иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бизнес технологияларининг асосий массасида бизнесни ташкил қилишнинг маблағларни намунавий товарлар ишлаб чиқариш ёки улар билан савдо қилишга киритишни назарда тутувчи анъанавий ёндашувлар устунлик қилади.

#### **10.4. Ўзбекистон Республикасида технологик ва социогенетик инновациялар**

Жамият ва табиат ривожланиши қонуниятларини яхлит ҳолда, тизимлар ранг баранглигида англаш олдиндан кўра билиш учун зарур асос ва замин ҳисобланади. Исталган бир фаннинг асосий функцияси шундан иборат. Бироқ бу ҳар қандай йирик хўжалик, ижтимоий ва экологик қарорлар қабул қилишда ҳам амалий зарурат ҳисобланади.

Бошланич ҳолатни баҳолаш ва ундан фойдаланишда икки нарсани инобатга олиш зарур. Биринчидан, табиий қонунлардан фарқли ўлароқ ижтимоий ривожланиш қонуниятлари жамиятнинг ўзидаги туб ўзгаришлар билан биргаликда ўзгариши мумкин. Индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш булардан кейингисига хос бўлган қонуниятлар тизимини янгидан ўрганиб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Иккинчидан, ижтимоий қонун ва қонуниятлар таркиби бир турда емас, улар иерархик бўлиб, билишнинг турли даражаларини акс еттиради. Статика қонунлари эволюцион ривожланиш даврида нисбатан мувозанатли ҳолатда ижтимоий-иқтисодий тизимлар фаолият кўрсатувчи структура ва шарт-шароитларни акс еттиради. Циклик динамика қонуниятлари тизим динамикасидаги нотекисликни, сикллар босқичларининг алмашиш қонуниятлари ва тизимлар ривожланиш сиклларининг ўзини, жамиятнинг инновацион янгиланиш жараёнининг тўлқинсимонлигини очиб беради. Бу даврий ўзгараётган воқеликни англашнинг иккинчи босқичидир. Билишнинг олий босқичи - социогенетика қонуниятлари бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий тизимлар динамикасида наслийлик, ўзгарувчанлик ва танлов йииндиси (бирикуви) ҳисобланади. Социогенетика қонуниятлари тизимнинг инновацион янгиланиши чуқурлиги ва сарҳадларини баҳолашга кўмаклашади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Инновацион фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик шартномаларни аҳамияти.
2. Инновацион технологияларни яратишда ҳозирги давр илм фаннинг аҳамияти.
3. Ўзбекистонда интеллектуал мулк ютуқларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

## **11-мавзу. Инновацион маркетингда товар ва хизматларни стратегик йўналишлари (4 соат)**

Режа:

11.3. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегиялари.

11.4. Инновацион маркетингда инновацион стратегияларнинг аҳамияти.

### **11.1. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегиялари**

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган Республика “Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологиялар”, “Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржалар ярмаркаси”да тақдим этилган илмий-текшириш ишламалари ва технологиялари, кўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сифат кўрсаткичлари халқаро ИСО/МЭК стандарт талабларига мослиги ва Ўзбекистонда локализация филинган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган кўплаб товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги даврда республикамиз кундалик ҳаёт ва унинг динамикаси ўзгариб бормоқда, бу эса иқтисодни янгилашда маркетинг тадқиқотларини натижаларини таҳлил қилиб, яқин келажакка ва узоқ даврга нисбатан инновацион стратегияни танлаш, режалаш ва амалга оширишни бу эса Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятида обрўсини оширишда ва иқтисодиётини юксалтиришда катта аҳамият касб этади.

Кўп сонли маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи илмий-техник инновациялар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида кичик бизнес ва тадбиркорлик инновацион жараёнда марказий роль ўйнайди, инновациялар эса техник тараққиёт суръати юқори бўлган тармоқларда асосий рақобат курали ҳисобланади. Техник тараққиёт ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватловчи институтларга алоҳида эътибор қаратган. XX асрнинг биринчи ярми иқтисодчиси Йозеф Алоиз Шумпетер (1883-1950) инновацияларни олға сурувчи ва унда нормал даражадан катта бўлган даромаднинг асосий манбаси бўлувчи рақобат механизмини кўрсатиб берган.

“Мартекингнинг учта асосий аспекти саноатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Биринчиси инновацион мусобақадир. Фирмалар мусобақасида биринчи бўлиб инновацияга эришган фирма мартекинг соҳасида ҳам етакчи ҳисобланади. Иккинчиси, йирик фирмалар бозорда инновацияларни излаш билан боғлиқ ишларни доим такомиллаштиришга ҳаракат қилишларидир. Учинчиси, Кристенсен (1997) бозор талаби асосий инновацияларга бўлган талабни аниқлаштирувчи омил эканлигини таъкидлаб ўтган”<sup>1</sup>.

### **11.2. Инновацион маркетингда инновацион стратегияларнинг аҳамияти.**

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбда кузатилган ўзига хос башорат шов-шуви Россия башоратчилк мактаби етакчиси И.В.Бесстижев-Лада томонидан тузилган классик башоратчилик антологиясида яққол тасвирлаб берилган. Интеллектуал ва сиёсий доираларда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ўнлаб фундаментал асарларда жаҳон ривожланишининг истиқболлари турли сценарийларда — энг ёрқин ранглардан то катастрофик ҳолатларгача асослаб берилган. Узоқ муддатли у ёки бу башорат сценарийларини асослаб бериш учун фойдаланилган кўплаб глобал

<sup>1</sup> 134



моделлар яратилган. Ушбу башоратчилик шов-шувига БМТ ҳам қўшилган бўлиб, унинг Секретариатида башорат ва истиқболли тадқиқотлар бўлими ташкил қилинган. Нобель мукофоти совриндори В.В.Леонтьев раҳбарлигидаги БМТ экспертлар гуруҳи томонидан ўтган асрнинг 70-йилларида ўзига хос тармоқлараро балансининг минтақалараро модели асосида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг 2000 йилгача бўлган башоратлари ишлаб чиқилган.

Бироқ 80-йиллар охирларига келиб Ғарбда ҳам, собиқ Иттифокда ҳам башоратчилик тўлқини пасая бошлади. Бунинг сабаби оддий эди: жаҳон индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиб, тенденциялар ўзгарди ва чуқур бифуркациялар кластери вужудга келди. Аввалги башоратлар ва уларнинг методологик асослари бу муҳитда ўз таъсир кучини йўқотган бўлиб, янги методология эса ҳали ривож топмаган эди.

Ўтиш даврида ижтимоий ва технологик тизимлар траекторияси кескин ўзгаради. Уларнинг айримлари ўтмишда қолиб кетиб, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади ва жаҳон миқёсида кенг тарқалади. Бу даврда олдиндан кўра билишнинг қийинлиги анъанавий инкилобий парадокс — эълон қилинган мақсадлар ва амалда эришилган натижалар ўтасидаги фарқлар билан ҳам изоҳланади. Лекин шунга қарамай XX асрнинг йирик олимлари қаламига мансуб бўлган энг охирги асарлардан бирида инсониятнинг ривожланишига доир асосли башоратлар, экологик ва цивилизация инкирозларининг бартараф этилиши, узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида асосланган фикрларни ўргатамиз: «Цивилизация стратегиясининг пайдо бўлиши ҳаётий аҳамиятга эга. У табиат стратегияси билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Бу эса инсоният тарихида унинг куч-қуввати ўсиши билан бирга кузатиловчи сифат янгилigidир. Бизни нафақат экологик, балки цивилизация инкирози кутиб турибди. Ўз моҳиятига кўра биз цивилизация тарихининг буткул янгича босқичи, балки антропогенез олдида турибмиз, бунда эса бутун халқлар олдида кун кўриш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича умумий вазифа туради». Бундай стратегияни узоқ муддатли башоратларсиз, табиат ва жамият ривожланишининг муқобил йўллари олдиндан кўра билмасдан туриб амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш мумкин эмас.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Замонавий инновацион маркетинг стратегик кўринишларини шарҳлаб беринг.
2. Юқори технологик товарларнинг инновацион маркетинг хусусиятлари қандай тавсифланади?
3. Янги инновацион товарларни ишлаб чиқаришда мақсадли бозорнинг таҳлили.
4. Инновацион маркетинг стратегиясида технологияларни трансфераси қандай ташкил этилади?

### **12-мавзу. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш**

Режа:

12.6. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва соноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12.7. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.

12.8. “ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12.9. ЭХМ учун дастурлар. ЭХМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.

12.10. Қонунчиликда муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши.

### 12.1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни 06.05.1994-йилда қабул қилинган ва мазкур қонунга 30.07.2008 да ўзгартириш киритилган. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасидаги ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси саноат мулки объектларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат экспертизасини ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки объектларига патентлар беради, расмий ахборотнома нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилишига доир қоидалар қабул қилади ва тушунтиришлар беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

5-жадвал

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси ҳақидаги талабномаларнинг тузилиши

№	<i>Ихтиро ҳақидаги талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади</i>	<i>Фойдали модел ҳақидаги талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади</i>	<i>Саноат намунаси ҳақидаги талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади</i>
1.	Ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифи) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу	Фойдали моделнинг муаллифи (ҳаммуаллифи) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса,	Саноат намунасининг муаллифи (ҳаммуаллифи) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса,

	шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани	ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани	ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани
2.	Ихтирони уни амалга ошириш учун етарли даражада тўлиқ очиб берилган тавсифни	Фойдали моделни уни амалга ошириш учун етарли даражада тўлиқ очиб берилган тавсифни	Буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс еттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расми
3.	Ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини	ИФойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини	Агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфексион харитасини
4.	Агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни	Агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни	Саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс еттирган тавсифи
5.	Ихтиро рефератини	Ихтиро рефератини	

### 12.3. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.

“Ишлаб чиқариш техникаси ёки янги жараён кўринишидаги техник ўзгаришлар техник ихтиролар ва кашфиётларни таърифлаш учун ишлатилади. Бундай кашфиётлар ишлаб чиқариш ва харажатларни фирма ва саноат тармоқлари даражасида ўзгартириши мумкин. Солунинг неоклассик ўсиш моделида технологик ривожланиш кашфиётлар туфайлигига тўхталиб ўтилган. Технологик жараённинг бир нечта поғонага эга эканлигига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган”<sup>1</sup>.

Кашфиёт деб билим даражасига тубдан ўзгартириш олиб кирадиган илгари номаълум бўлган, аммо обектив мавжуд моддий нуқтанинг ходиса, хосса ва қонуниятларини тушунтириб берувчи таълимотга айтилади.

Кашфиётни ҳимоя қилиш мақсади:

- Илмий мазмун ишончлилигини тасдиқлаш учун;
- Муаллиф ва давлат устунлигини ўрнатиш;
- Кашфиёт муаллифининг хусусиятларини тан олиш ва унга тегишли имтиёзлар бериш;
- Кашфиёт билан боғлиқ илмий-технологик масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш;
- Фан ва техникада, фойдаланиш учун кашфиётларни давлат томонидан маълумот учун қабул қилиниши ва ҳисобга олиниши.

<sup>1</sup> 28

**12.4. “ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**

6-жадвал

**Кашфиётларни аниқлаш босқичлари**

<b>Кашфиётни аниқлаш босқичлари</b>	<b>Амалга ошириладиган ишлар</b>
<i>1-босқич</i>	Асос кидирув тадқиқотни илмий-амалий инженерлик тадқиқотдан ажратиш лозим. Тадқиқотнинг объекти табиий ёки техник бўлиши мумкин ва уни тартибли амалга ошириш керак.
<i>2-босқич</i>	Кашфиёт предмети ҳодиса, хосса, қонунийликни олдиндан белгилаш.
<i>3-босқич</i>	Кашфиёт шаклига мувофиқ кашфиёт предмети қатъий шакллантирилади.
<i>4-босқич</i>	Бунда илмий қоидалар жамоатчилик томонидан муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 06.05.1994-йилда қабул қилинган ва 05.04.2002 ва 30.08.2002-йилларда ўзгартиришлар киритилган. Ушбу Қонун ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни Ўзбекистон Республикасида тартибга солади.

Қорақалпоiston Республикасида ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси борасидаги муносабатлар Қорақалпоiston Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонун ЭХМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритади.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастур ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

**12.5. ЭХМ учун дастурлар. ЭХМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома**

Бугунги кунда компьютер инсонларнинг ўзаро муносабатлари, ахборот билан алмашишнинг бош воситасига айланди.

Компютер ҳар қандай ишда инсоннинг энг яқин ёрдамчисидир. Лекин компютернинг ўзи тўлақонли ёрдамчи емас. Унинг қандайдир масалани ҳал қилишдаги фойдалилиги тўлалигича у ишлайдиган дастурга боғлиқдир. Дастурий таъминот компютернинг жонидир.

Ҳар қандай ЭҲМни икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Аппарат-техник (hardware)
2. Дастурий таъминот (software).

Дастурий таъминот ёки ЭҲМ учун дастур бу ЭҲМ, унинг тармоқлари ва бошқа компьютер воситаларининг муайян натижалар олиш мақсадида ишлаш учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруқлар мажмуидир.

## **12.6. Қонунчиликда муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши**

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқлари шахсий номулкӣ ҳуқуқлар каби ўзининг ҳуқуқӣ табиатига эга. Агарда, муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари унинг ажралмас ҳуқуқлари тоифасига кирса, мулкӣ ҳуқуқлар эса ўзга (учинчи шахс)ларга маълум муддатларда ва маълум ҳаракатларни амалга ошириш шарти билан вақтинча ўтказиб турилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг “Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари” номли 19-моддасида муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга эканлиги мустаҳкамланган.

Э.П.Гаврилов муаллифнинг ҳуқуқларини икки гуруҳга бўлади:

а) шахсий номулкӣ ҳуқуқлар. Бу ҳуқуқлар жумласига у асарга муаллиф бўлиш ҳуқуқини; асарни номлаш ҳуқуқини, асар дахлсизлиги ҳуқуқини ва асарни нашр қилиш ҳуқуқларини киритади;

б) мулкӣ ҳуқуқлар.

Айрим олимлар муаллифлик ҳуқуқларини шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларга ажратилиш зарурати ва имкониятларини тан олишмаса, баъзилари муаллиф ҳуқуқларининг бундай ажратилишини шартлиги, баъзилари эса ҳуқуқларни бундай туркумлашни нисбий эканлигини таъкидлашади, яна бир гуруҳ мутахассислар муаллиф шахсий ҳуқуқларини интеллектуал ҳуқуқлар жумласига киритишади.

Муаллифнинг ҳуқуқлари ўзининг таркибига бир вақтнинг ўзида ҳам шахсий, ҳам мулкӣ ҳуқуқларни бирлаштиради, шу маънода унинг интеллектуал ҳуқуқлари, деб юритиш унчалик тўғри бўлмайди. Муаллиф мулкӣ ҳуқуқларининг табиати, муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари табиатидан кескин фарқ қилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Илмий кашфиётлар нима уларни объектлари уларни аниқлаш усулларини шарҳлаб беринг?

2. Ўзбекистон Республикасида илмий кашфиётларни муҳофазалаш қандай амалга оширилади?

3. Илмий кашфиётлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасини қайси қонунларини биласиз?

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишида илмий кашфиётларнинг роли нималардан иборат?

## **13-мавзу. Патентлар ва патент ахборотларини излаш (4 соат)**

Режа:

13.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш.

## 13.2. Чет елда патентлаш. Лицензион шартнома хақида тушунча.

### 13.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш

Патентлаш – Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари, корхоналари, айрим фуқароларининг чел ел патентлари ва бошқа тегишли муҳофаза ҳужжатларини ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига олиш мақсадида, шунингдек товар белгиларини амалга ошириладиган барча ишлар мажмуи.

“Патентлар, савдо белгилари ва лицензияларни моҳиятини Коуз теоремасида келтирилган қонуният билан тушунтириш мумкин. Коузнинг фикрича патентлаш жараёни фақат иқтисодий самарани эмас, балк атроф муҳит тозалиги ва хавфсизлиги масаласини ўз ичига олиши шарт. Патент бераётганда патент эгасига атроф муҳитни ифлослантириш бўйича кўрсатмалар ва солиқ тизими томонидан алоҳида ёндашувни ҳам вазифа ёки бурч сифатида бериш мумкин”<sup>1</sup>.

Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотлари учун патент олишга ваколатланган вазифасини бажаради, талабномачи ҳуқуқий тавсифдан ҳужжатлар (далолатнома, берганлик ҳужжатлари ва б.) ни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади. талабномани чет елга жўнатади, чет ел патент идораси билан (чел елдаги патент олишга патент идорасининг ишончли вакиллар орқали) алоқани амалга оширади, Патент идораси қарорлари, патент олишга ваколатланган Патент идорасининг вакилларининг сўровини ва таржимасини таъминлайди, бу қарор ва сўровларга жавоблар тайёрлашга, шунингдек мамлакатлар патент маъмурий, апелляция ва бошқа идораларида мамлакат саноат мулклари бўйича ишлар кўрилишида ёрдамлашади.

### 13.2. Чет елда патентлаш. Лицензион шартнома хақида тушунча

Чет елда патентлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Патентлаштирувчи ташкилот, саноат мулкларини чет елда патентлаш тўғрисида қарор қабул қилса, агар конвенсиявий устуворлик талабномаси учун ёки бошқа вазиятларга кўра бундан кўра истисно ва талаб этилмаса, саноат мулк тавсифини (унинг тушунтирувчи чизмасини) тайёрлайди. Саноат мулкларини патентлашга мўлжалланаётган мамлакатнинг патент қонунчилиги ўсаётган талабларга мувофиқ тавсиф ўзбек ва тегишли чет тилида тайёрланади. Бу тавсиф етарли нусхада кўпайтирилади ва жўнатишдан олдин Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида саноат мулкни тавсифи ва чизмалари чет елда патентлаш хизмати билан келишиб олинади.

“Коузнинг фикрича, мамлакатларда патентлаш тизими мулкчилик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ равишда рақобатдош ёки норақобатдош маҳсулотларга нисбатан ўзгача ёндашув бўлиши керак, яъни патентлашда маҳсулот турини рақобатдошлик даражасини мулк кўмиталари аниқлаб беришлари шартдир. Бундай деб таъкидлашига сабаб, бу каби аниқлаштришлар иқтисодий аҳамиятга эгадир”<sup>2</sup>.

Чет елда патентлаш учун тайёрланган талабнома материалларини Патент идораси келишиб олиш учун патентлаштирувчи ташкилотга юборади, у бир ой ичида муаллифлар билан талабнома материаллари келишилганлигини таъминлайди ёки ўз

<sup>1</sup> Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 45-6.

<sup>2</sup> Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 46-6.

мулоҳазаларини баён етиб, Патент идорасига қайтаради. Агар ташкилотдан белгиланган муддатда ҳеч қандай маълумот келмаса, Патент идораси материални келишилган деб ҳисоблайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам талабнома материалларини келишиб олиш билан боғлиқ ишлар конвенсия устуворлигини йўқотишга сабаб бўлмаслиги лозим.

Патентлаштирувчи ташкилот, махсус сўровни кутмай, саноат мулкларини патентлаш ҳақидаги қарорни олган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига муаллифлар, талабномачилар, ҳақидаги барча маълумотларни ихтирони патентлаш бўйича чел елда иш олиб бориш ва расмийлаштириш учун тадбир етади. Ўзбекистон Республикаси саноат мулкларини патентлаш учун чет ел патент идораларига талабномани Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига жўнатади ва улар билан ёзишмалар олиб боради.

Техника объектларининг патентга лойиқлигини ва патент софлигини аниқлаш тартиби.

Саноат мулкларини патентлаш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари ривожланиши муносабати билан патент тавсифидаги бошқа масалалар ҳам юзага келади. Шулардан бири, Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотлари (машина, қурилмалар) нинг, шунингдек технология жараёнининг патент софлигини аниқлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси корхоналари чиқараётган буюмлар учун патент софлигини таъминлаш зарурати мамлакат ускуналарини экспорт қилиш билан боғлиқ тарзда юзага келмоқда. Бундан ташқари чел елда корхоналар қурилишига техникавий ҳамкорлик қилиш ва чел ел фирма ҳамда ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасига берадиган патентлари сонининг кўпайиши туфайли ҳам шундай зарурат пайдо бўлмоқда. Патент софлиги - патент эгасининг ҳуқуқий объекти билан боғлиқ тушунча. Патент эгаси ҳуқуқининг бузилиши бир қатор мамлакатларда товарларни ушлаб олиш, жарима солиш, баъзан эса жамоа олишгача олиб келади. Патент эгаси, шундай қоидабузарлик туфайли кўрган зарарини қоплашни талаб этиши мумкин.

Қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш усуллари ёки қандайдир бошқа объектлар қайси мамлакатда амал қилаётган патентга хилоф бўлмаса, шу мамлакатда патент соф ҳисобланади.

Патент софлиги тушунчасини патентга лойиқ тушунчаси билан аралаштирмаслик лозим. Ўртадаги фарқ аввало шундан иборатки, "патент софлиги" атамасини моддий объектлар (машина, қурилмалар ва ҳ.к.) га тааллуқли, "патентга лойиқ" атамаси эса техникавий ечимга тегишли. Патент софлиги деганда, муайян буюм бегона патент таъсири остига тушиб қолмаслиги назарда тутилади.

Патент софлигига эга буюм бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган патентларга хилоф бўлмайди, шунинг учун унга нисбатан бошқа патент эгалари томонидан ҳеч бир даъво бўлмайди. Агар буюмдаги техникавий ечимга патент олиш мумкин бўлса, унда бу ечим патентга лойиқ ҳисобланади.

Патент софлиги ва патентга лойиқлик масаласи бир вақтда юзага келиши мумкин, лекин уларнинг моҳияти ҳар хил. Шундай қилиб, патент софлиги техника объектининг ҳуқуқий хоссаси бўлиб, у мазкур мамлакатларда амал қилувчи патентлар мутлақ ҳуқуқи учинчи шахсга тааллуқли деган хавфдан ҳоли, эркин фойдаланиш мумкинлигидан иборатдир. Патент софлиги қандайдир бир мамлакатга нисбатан ёки бир неча мамлакатларга нисбатан таъминланиши мумкин. Саноат мулкларига бўлган

хукуқнинг ҳудудий тавсифига кўра, қандайдир техника обекти (буюм) патенти, масалан, АҚШда берилган патент таъсири остида бўлиши мумкин, шу билан бирга Ҳиндистонга нисбатан патент софлигига эга бўлиши мумкин. Патент софлигини аниқлаш, у ёки бу мамлакатда берилган патентнинг амал қилиш муддати билан ҳам боғлиқ.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Патент, лицензия ва сертификат тушунчаларини изоҳлаб беринг?
2. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун шартнома тузиш шартлари?
3. Патент, лицензияларни чет елда патентлашга қўйиладиган талаблар?
4. Саноат мулкани ва хизматларни чет елда патентлашнинг сабаби ва вазифаси.

## **14-мавзу. Саноат намуналари ва селекция ютуқлари инновацион ривожланиш объекти сифатида (4 соат)**

Режа:

14.1. Ўзбекистон Республикасини “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонун ва унинг аҳамияти.

14.2. Селекция ютуқлари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

14.3. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари.

14.4. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.

14.5. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш.

### **14.1. Ўзбекистон Республикасини “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонун ва унинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуни 30.08.1996-йилда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Зот – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан паррандалар, ҳашаротлар, ипак курти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод тип, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

Иш берувчи – селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

Лицензиар – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида берувчи патент эгаси;

Лицензиат – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиардан лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

Нав – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга



қараб аниқланади ва айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

Патент эгаси – селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

Селекция ютуғи – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари фарқлиниш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига мосликни синашдан иборатдир. Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар белгилаган усул ва муддатларда, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат нав синаш станцияларида, давлат нав синаш участкаларида, бошқа ташкилотларда ўтказилади.

Чет еллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.


#### 14.2. Селекция ютуқлари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар

7-жадвал

#### Патент бериш ҳақидаги талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар

№	Патент бериш ҳақидаги талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади
1.	муаллиф (хаммуаллифлар) ва кимнинг номига патент сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек уларнинг турар жойи ёки манзилига доир маълумотлар кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;
2.	селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклифни;
3.	селекция ютуғининг тавсифини (техникавий анкетасини);
4.	селекция ютуғи намуналарининг фотосуратларини;
5.	талабнома берувчи томонидан ўтказилган селекция ютуғи синовларига доир ҳужжатларни;
6.	талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги, у сотилмаганлиги, ўзга шахсга берилмаганлиги ҳамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиқлайдиган декларациясини;
7.	селекция ютуғининг устуворлигини тасдиқловчи ҳужжатни (зарурат бўлганда);
8.	талабнома берувчининг селекция ютуғини синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга тақдим этиш мажбуриятини;
9.	талабнома патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилганида уларга берилган ишончномани;
10.	патент божи белгиланган миқдорда тўланганлигини ёхуд патент божи тўлашдан озод қилиш, шунингдек унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжатни ўз ичига олган бўлиши керак.

### Ҳар бир талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:



### 14.3. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари

Саноат намунаси инсон ижодий фаолияти йўналишининг амалга ошиши бўлиб, аниқ мақсад ва истеъмолчилар доирасига эга. Таърифга кўра саноат намуналарига қандайдир бир объект ташқи кўринишининг бадиий-конструкторлик (дизайн) ечими киради. Саноат намуналари ҳажмий (моделлар), ясси (расмлар) ёки уларнинг аралаш кўринишида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ саноат намунасининг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши унинг патентга лаёқатлилиқ шартлари ҳисобланади.

Агар саноат намунасининг буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари (аломатлари) мажмуи унинг устуворлик санасидан олдин жаҳондаги нуфузли ахборот манбалари орқали барчага маълум бўлмаган бўлса янги деб тан олинади. Саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи буюм эстетик хусусиятларнинг ижодий характери билан боғлиқ бўлса у ўзига хос деб тан олинади. Саноат намунаси кўп қарра қайта ишлаб чиқариш имкониятини берадиган бўлса саноатда қўлланиладиган деб тан олинади.

“Айнан саноат намуналарини патентлаш бугунги кунда энг риск йўқори ҳисобланган соҳадир. Бундай дейишимизга сабаб, жаҳон бозорида бу каби “хато”ларга кўп марталаб йўл қўйилгандир. Муаммонинг негизи нимада? Буни топиш учун фирмалар қайси, қанақа ва нима учун инновацияларга эҳтиёж сезишлари тўғрисида асосий саволларга жавоб беришлари керак”<sup>1</sup>.

### 14.4. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби

Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти бериш учун талабнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

- Патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисида белгиланган шаклда тузилган ариза, у саноат намунаси муаллифи (муаллифлари), патент ким (кимлар)нинг номига

<sup>1</sup> Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 41-6.

берилиши сўраётган бўлса, ўша шахс (шахслар) ва талабнома берувчи тўғрисидаги талаб этиладиган маълумотлардан иборат бўлади.

- Буюм, макет ёки расмни акс еттирувчи фотосуратлар тўплами, улар буюмнинг ҳуқуқий муҳофаза ҳажмини белгилаб берувчи муҳим белгилар мажмуини аниқлаш имконини берадиган ташқи кўриниши тўғрисидаги муфассал тасаввур ҳосил қилади.

- Буюм ташқи кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфексион картаси, агар улар саноат намунаси моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса.

- Саноат намунасининг тавсифи, у фотосуратларда акс еттирилган буюмнинг ташқи кўринишини сўзлар воситасида очиб бериши ва унинг муҳим белгилари мажмуини ўз ичига олиши керак.

- Талабномага берилган миқдорда бож тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши зарур.

Қонун талабларига мувофиқ ҳар бир талабнома битта саноат намунасига тегишли бўлиши ва бу намунанинг вариантларини ўз ичига олиши мумкин (саноат намунасининг бирлиги талаблари). Бунда битта саноат намунаси дейилганда ягона бир буюмнинг бадий-конструкторлик ечими, вазифалари умумий бўлган буюмлар мажмуи (масалан, мебел гарнитури, сервис ва бошқалар) тушунилади.

Ягона бир буюм дейилганда бирорта бутун буюм (масалан, автомобил), ҳамда унинг бир қисмини ташкил етувчи буюм (масалан, бампер, фара ва бошқалар) тушунилади.

Саноат намунаси вариантлари дейилганда битта буюм (тўплам, комплект) нинг бир хил эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгилаб берадиган муҳим белгилари мажмуи билан фарқланадиган бадий-конструкторлик ечими тушунилади.

#### **14.5. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш**

Талабнома ҳужжатларига қўйиладиган асосий талабларни ўз ичига олади.

1. Буюм, макет, расм фотосуратлари тўплами.

Буюмнинг ташқи кўринишини акс еттирувчи фотосуратлар талабнома берилган саноат намунаси тўғрисидаги тасвирий ахборотни ўз ичига олган асосий ҳужжатдир.

Саноат намунасининг тавсифи.

Саноат намунасининг тавсифи қуйидагича тузилиши керак:

- Саноат намунасининг номи.

- Вазифаси ва қўлланиш соҳаси.

- Саноат намунасининг алалоглари.

- саноат намунасини тасвирловчи фотосуратлар ва бошқа тақдим этиладиган материаллар рўйхати.

- Саноат намунасининг моҳияти.

- саноат намунасини кўп марта қайта ишлаб чиқариш имконияти.

- Саноат намунасининг муҳим белгилари (аломатлари) рўйхати.

Саноат намунаси умумий кўринишининг чизмаси намунани моҳиятини очиб бериш ва унинг ўлчамлари, мутаносиблик нисбатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда тақдим этилади.

“Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома ёзишда кўпчилик фирмалар бозор иқтисодиёти шароитида “худбинлик” қилишга мойилдир. Бу билан биз товар белгиларини белгилашда халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳисоблашишда бузғунчиликнинг учраши ва талабнома ёзишда олиб борилган ИИРнинг натижасига

таянган ҳолда бўлимларни киритишда оғишишлар борлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз”<sup>1</sup>.

Агар талабнома берилган саноат намунаси эргономик жиҳатдан қайта ишлашни кўзда тутадиган буюмга оид бўлса, шунингдек, ушбу буюмнинг эргономик схемаси ҳам тақдим этилади.

Товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилмасдан маданий бозор муносабатларини ўрнатиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозоридаги бажарадиган роли билан тушунтирилади.

Товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси) фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни хусусий аломатларни акс еттирувчи (индивидуаллаштириш) учун хизмат қиладиган белгидир.

Ўзбекистонда товар белгилари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)нинг ҳуқуқий муҳофазаси у рўйхатга олинishi билан юзага келади.

Қонунга мувофиқ қуйидаги белгилар товар белгиси сифатида рўйхатга олинishi мумкин:

- сўзлар ёки ҳарфлар бирикмасидан иборат бўлган сўз билан ифодаланадиган белгилар;

- тасвирий белгилар–линиялар композицияси, исталган шаклдаги фигураларнинг текисликдаги сояси шаклидаги;

- ҳажмий белгилар – уч ўлчамли фазодаги фигуралар (линиялар) ёки уларнинг композицияси шаклидаги;

- аралаш-тасвирий, сўзли, ҳажмий характердаги элементларнинг комбинациясидан иборат ва ҳоказо.

Товар белгиси исталган рангда ёки ранглар бирлигида рўйхатга олинishi мумкин.

Талабнома берувчи ўз товар белгисини ишлаб чиқаришда қандай асосий тамойилларга амал қилиши зарур. Одатда товар белгиси қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур:

- ифодалик ва маънодорлик (ўзига хослик), яъни товар белгиси уни бошқалардан ажратиб турувчи белгига эга бўлиши, осон кўчирилиши, (сўз билин ифодаланган товар белгилари учун) ва ёдда қолиши керак;

- қисқа ва аниқлик, яъни товар белгиси қисқа бўлиши (сўзли белгилар учун) ва тасвир элементлари сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслиги (тасвирий белгилар учун) керак;

- эстетиклик, яъни товар белгиси идрок этилиши бўйича замонавий ва тушунарли ҳамда кўргазмали бўлиши керак;

- барқарорлик (узоқ муддатлилик), яъни товар белгиси узоқ муддат, ҳатто маҳсулот ассортиментини ўзгарган ҳолларда ҳам фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак;

- тасаввур уётадиган, яъни товар белгиси истеъмолчидан товар ёки унинг бирор-бир хусусияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши зарур.

---

<sup>1</sup> Innovation, intellectual property, and economic growth / Christine Greenhalgh and Mark Rogers. USA Princeton University Press, 2010 . 41-б.

Бундан ташқари, сўз билан ифодаланадиган товар белгиси учун янги бўлиши билан бирга, оҳангдорлиги ва талаффузи қулай бўлиши ҳам зарур сифатлардан ҳисобланди.

Шуни қайд этиш зарурки, тасвирий товар белгиси чун турли-туман рангларнинг уюнлиги унинг ўзига хослигини, кишиларни ўзига жалб этиши ва фарқланувчи қобилиятини оширади. Шу билан бирга ранг сўзлар билан ифодаланган, ҳажми ва қўшма товар белгилари учун ҳам муҳимдир.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартларини шарҳлаб беринг?
2. Саноат ва товар белгилари нима сабабдан қўйилишини ва уни аҳамияти?
3. Саноат намуналарига патент олиш учун талабнома тузиш қандай ҳужжатларни тўлаши зарур?

## **15-мавзу. Инновацион иқтисодийда менежмент стратегиялари (4 соат)**

Режа:

- 15.1. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги
- 15.2. Инновацион маркетингни шакллантиришнинг концептуал асослари.
- 15.3. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.
- 15.4. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси.
- 15.5. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари.

### **15.1. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги**

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган Республика “Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологиялар”, “Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржалар ярмаркаси”да тақдим этилган илмий-текшириш ишламалари ва технологиялари, қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сифат кўрсаткичлари халқаро ISO/MEK стандарт талабларига мослиги ва Ўзбекистонда локализация қилинган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган кўплаб товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Юқори тартибдаги рақобат афзалликлари (янги илмий ишламалар, технологиялар, новотарларнинг инновацион монополияси)га асосланган инновацион ривожланиши янги соҳалар ва янги бозорларга фаол бостириб киришни ташкил қилиш учун катта стратегик имкониятлар яратади. Бу стратегик имкониятлар ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг сифатан янги салоҳиятини яратадилар. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияларининг вариантлари 2-расмда берилган.



15 – расм. Ҳар томонлама ривожланиш стратегияларининг вариантлари.

15 – расмдан кўринишича, ташкилот учун ҳар томонлама ривожланишнинг олти та стратегиялари энг катта аҳамиятга эга:

1. Бирлашмалар, ютиб юборишлар ёки янги ва қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида янги соҳага кириб бориш.
2. Турдош соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш.
3. Турдош бўлмаган соҳада ҳар томонлама ривожланиш.
4. Ишлаб чиқаришни йиғиштириш ва тузатиш.
5. Аралаш ҳар томонлама ривожланиш ва қайта қуриш.
6. Кўп миллатли ҳар томонлама ривожланиш.

Агар янги соҳага кириб бориш, янги компания ёки қўшма корхона ташкил қилиш стратегияси ҳар томонлама ривожланмаган компания томонидан кучли ва фойдали рақобат ўринларини эгаллаш учун қўлланилса, қоққ ишлаб чиқаришларни йиғиштириш ва тугатиш ва трансмиллий ҳар томонлама ривожланиш мақсадидаги қайта қуриш ва ҳар томонлама ривожланиш мақсадидаги қайта қуриш ва ҳар томонлама ривожланиш стратегияси, қоидага кўра, кучли ва етарлича кенг ҳар томонлама ривожланган корпорацияларда вужудга келади.

## 15.2. Инновацион маркетингни шакллантиришнинг концептуал асослари

XXI асрнинг иккинчи ва учинчи ўн йилликлардаги дунёнинг инновацион ўзгаришлари ишлаб чиқаришнинг постиндустриал иқтисодий услубининг шаклланиши билан ифодаланади. Гарчи бу жараён узоқ муддатли ва зиддиятли бўлсада, ҳозирданоқ унинг асосий жиҳатлари кўзга ташланмоқда.

Биринчидан, бу интеграл иқтисодий тузум. Бу хусусий мулкчиликка йўналтирилган, ҳар томонлама рақобатли кўринишдир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорларнинг шахсий ташаббуслари ва инновацион фаоллиги билан ҳозирги ва келажакдаги авлодлар учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш, давлатнинг маркетинг стратегик-инновацион функцияларини амалга ошириш, бозор

иктисодиётининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда инсон капитали ва табиий ресурслар муҳитини такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи нобозор секторининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан болашга имкон беради.

Иккинчидан, бу кўп укладли иқтисодиёт бўлиб, унда ҳар бир иқтисодий уклад унга хос бўлган ўрин эгаллаб, бошқа укладлар устидан ҳукмронлик қилмайди ва улар билан уюнлашади. Бу ерда гап турли укладларнинг оптимал тарзда уюнлашуви ва ҳамкорлиги ҳақида боради:

- технологик ўсишни амалга оширувчи, монополияга қарши кураш бўйича кучли назорат ва диққат остида бўлган ишлаб чиқариш марказлашув даражаси юқори тармоқларда ишлаб чиқариш структурасини ўзгартирувчи йирик бизнес.

- миллионлаб фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббуслари учун кенг имкониятлар очиб берувчи, инновацион фаолликнинг юқорилиги билан ажралиб турувчи, йирик ишлаб чиқаришдан бўшатиловчи ва меҳнат бозорига янги кириб келувчи ишчи кучининг бандлигини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес.

- стратегик аҳамиятга эга тармоқлар ва нобозор секторида мужассамлашган ҳамда давлатнинг стратегик инновацион функцияларини амалга оширишни таъминловчи давлат уклади,

- аҳолининг ҳаёт фаолияти муҳитини (уй-жой-коммунал хўжалик ва атроф-муҳит муҳофазаси), маънавий такрор ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишни (мактаблар, маданий муассасалар ва хоказо) таъминловчи муниципал уклад;

- инсон фаолияти ва такрор ишлаб чиқаришда энг муҳим функцияларни бажарувчи, уй ва шахсий оилавий хўжалик билан ифодаланувчи натурал уклад.

Шуниси муҳимки, ҳар бир уклад унга хос бўлган функцияларни бажариш билан бирга эгаллаб турган ўрнида энг самарали бўлиши лозим, чунки иқтисодий ўсиш суръатлари ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик боғлиқ бўлади.

### **15.3. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили**

XXI аср дастлабки кунлариданоқ дунё ривожланишининг барча жабҳаларида - иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий жараёнлар, демография, геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар янги сифат ўзгаришларидан дарак бермоқда. Яқин ўтмишда етарлича барқарор ва мувозанатли бўлган бу жараёнлар дуч келаётган ўзгаришлар гирдобидан замонавий фан вақти келганда улгурмай ҳам қолмоқда.

Шу нарса тобора яққол кўзга ташланиб бормоқдаки, геостратегик ҳолат, фан ва техника ютуқлари, кадрлар ва илмий салоҳият, табиий ресурслар каби мавжуд объектив омиллардан самарали фойдаланган мамлакатлар ривожланиш борасида анча илгариб кетган. Бу мамлакатлар ички иқтисодий, сиёсий ва халқаро муносабатлар янги тизимини шакллантириб, одамлар ҳаёт тарзини янада юқори даражага етказиб олди. Ушбу ижтимоий тизимга АҚШ ва Ҷарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари, шарқда еса Япония мисол бўла олади.

Фан - техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан фойдалана олмаган мамлакатлар вужудга келган шароитларга мослаша олмай, ривожланиш йўлида анча ортда қолиб кетмоқда. Бундай тенденция янги емас, албатта. У XX асрда ҳам тадқиқотчилар томонидан кузатилган. Учинчи минг йиллик бўсағасида бу тенденция янада кучайиб, унинг таъсири остида иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатлар фаол халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар дорисидан четга чиқиб қолмоқда. Бу

мамлакатлар глобал характерга эга, ўта мураккаблашган муносабатлар тизимида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўла олмайдилар. Улар жаҳон ижтимоий жараёнларининг иштирокчиларига айлана олмайдилар, уларга энг яхши ҳолатда кузатувчилар роли ажратилади.

#### **15.4. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси.**

Ҳозирги шароитларда иқтисодиётнинг энг муҳим тавсифномаси фан, илғор технологиялар, технологик базаларнинг қандай ҳолатда еканлиги боғлиқ, бу ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлик даражасини белгилаб беради.

Ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан фойдаланиш, бу соҳада аввало, МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооператсиядан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бундай жараёнлар бутун дунёда рўй бермоқда. Юқорида қайд этиб ўтилдики, технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган боғлиқ, мамлакатимиз унга тенг ҳуқуқли ҳамкор боғлиқ кириши, айрим йўналишларда еса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун еса миллий технологик даражада етарлича юқори боғлиқ зарур.

Бу борада Президентимиз ЛҚаримов ўз асарларида узок муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизатсия қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг қопламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо етмоқда.

#### **15.5. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари**

Фан-техника тараққиётининг асосий таркибий қисмларидан бири инновацион фаолият, иқтисодий ривожланишнинг мазкур йўналишида фаолиқни таъминловчи омилларни, шунингдек, инновацион жараёнларни қоилаб-қувватловчи ва тартибга солувчи ташкилий тузилмалар хусусиятлари ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳақида юқорида шакллантирилган иезис жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги вазиятда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш устувор ҳисоблансада, бир қатор сабабларга кўра бугунги кунда уни амалга ошириб бўлмайди.

Муваффақиятга еришиш учун мамлакат корхоналари ҳамкорлар эътиборини жалб қилиш ўзаро рақобатлашиши лозим. Бунинг учун нима сабабдан хорижий фирмалар стратегик иттифоқ ва ҳамкорликка қадам кўйишини аниқ тасаввур етиш лозим.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Замонавий инновацион маркетингни стратегик кўринишларини шарҳлаб беринг.



2. Юқори технологик товарларнинг инновацион маркетинг хусусиятлари қандай тавсифланади?

3. Янги инновацион товарларни ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.

## **16-мавзу. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими (4 соат)**

Режа:

16.1. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг аҳамияти

16.2. Инновацион дастур

Инновация лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири – корхона юқори сифатга эга бўлган керакли микдорда маҳсулот ишлаб чиқариш лаёқатига эга эканлигини рақобатчиларга исботлашдан иборат.

“Инновацион лойиҳа” тушунчаси бир қанча нуқтаи назардан қаралиши мумкин:

– инновацион мақсадларга эришишга хизмат қиладиган тадбирлар йиғиндиси сифатида;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни сифатида;

– ушбу тадбирларни асословчи ва баён қилувчи ҳужжатлар пакети сифатида.

Ушбу уч жиҳатлар инновацион лойиҳанинг инновацион фаолиятини ташкил қилиш ва мақсадли бошқариш шакллари сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, инновацион лойиҳа – бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини асослайдиган ҳамда ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан ва техника таракқиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадлар (вазифалар)га эришишга қаратилган жараёнларнинг мураккаб тизимидир.

Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун уларни молиявий асослаш ва инвестициялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лойиҳавий молиялаштириш жараёнлари нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга инновацион лойиҳаларни фарқлаш керак:

а) инвестицион лойиҳалар, масалан, янги саноат объектлари қурилишига (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) йирик капитал қўйилмалар;

б) илмий-техник (инновацион) – илғор технологиялар, янгиликлар, маҳсулотлар ва хизматлар.

Ушбу икки хил лойиҳа ўртасида муҳим фарқлар мавжуд:

1. Саноат объектларига капитал қўйилмалар ҳақидаги мавжуд молиявий ахборот, ҳаттоки энг оддий илмий-техник лойиҳаларга қараганда, айниқса, уларнинг эрта босқичларида, ишончлироқдир;

2. Инновацион илмий-техник лойиҳалар мавҳумликнинг юқори даражасига эга эканлиги билан фарқ қилиб, улар шундай афзалликка эгаки, улар ишланманинг эрта босқичидаёқ катта бўлмаган молиявий йўқотишлар билан тўхтатиб қўйилиши мумкин;

3. Илмий-техник лойиҳаларда ахборот инвестициявий лойиҳаларга қараганда кўпроқ чекланганлиги ва мос эмаслиги билан фарқ қилади. Бу эса мустақил экспертларнинг лойиҳаларини баҳолаш бўйича фикрларини корреляциялашни ниҳоятда қийинлаштиради;

4. Инновацион лойиҳалар кўп мезонлилиги ва юқори даражали мавҳумлилиги билангина фарқ қилмасдан, балки сифатли баҳолаш бўйича ҳам фарқланади.

“Лойиҳа” тушунчаси билан бир қаторда, “инновацион дастур” деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунчалар ўзаро чамбарчас боғланган. Дастур – бу лойиҳа

шаклларида бири, дастурлаш эса (дастурни шакллантириш) – лойиҳалар ҳаёт цикли босқичларидан бири бўлса-да, уларнинг хусусиятлари анчагина фарқланади, дастур кўшимча қатор янги хусусиятларни орттиради.

## 16.2. Инновацион дастур

Инновацион дастур лойиҳаларнинг (мультилоийҳа ва мегалойиҳалар) мураккаб комбинацияси бўлиб, бошқарув объекти сифатида алоҳида лойиҳадан ёки ўзаро бир-бири билан жуда заиф боғланган, ташкилот ёки унинг ижрочилари томонидан бажариладиган лойиҳалардан жуда кучли фарқ қилади. Дастурни фақат йирик ташкилотлар бирлашмаси, масалан, ФПГ (молиявий санот гуруҳлари), йирик корпорациялар консорциуми, минтақа ёки мегаполис, федерал органлар ва ҳ.к.лар шакллантириши ва амалга ошириши мумкин. Инновацион дастурларни шакллантириш ва амалга оширишга кўплаб мисоллар мавжуд.

Инновацион лойиҳа портфелини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади:

1. Инновацион лойиҳаларни дастлабки танлаш.

Босқичнинг мақсади – тақдим этилган инновацион лойиҳаларни умумлаштирилган таҳлилдан ўтказиш ва баҳолаш. Ушбу босқич қуйидаги одимларни ўз ичига олади:

а) инновацияларни амалга оширишнинг ташкилотнинг асосий муаммолари ечимини таклиф эта оладиган асосий йўналишларини белгилаш;

б) ажратиб олинган йўналишлар бўйича экспертизалар олиб бориш учун лойиҳаларни тақсимлаш;

в) экспертизанинг ишчи усулини ишлаб чиқиш;

г) эксперт гуруҳлар ишини ташкил қилиш (НИО ёки маркетинг бўлими бошқа бўлинмалардан мутахассисларни жалб этган ҳолда);

д) ҳисоб-китоблар ва экспертизалар натижалари бўйича лойиҳаларга дастлабки баҳо бериш;

е) истиқболи йўқ лойиҳаларни чиқариб ташлаш.

Мазкур босқичда лойиҳа битта энг муҳим мезон (масалан, иқтисодий самарадорлик мезони) бўйича танланади, бунда баҳолаш параметри паст бўлган лойиҳаларни чиқариб ташлашдан иборат оддий қоидадан фойдаланилади.

2. Устувор (бошланғич) йўналишлар бўйича портфелни шакллантириш.

Босқичнинг мақсади – лойиҳаларни устуворликлар бўйича пухта таҳлил қилиш ва тақсимлаш. Бу ерда қуйидаги қадамлар кўзда тутилади:

а) инновацион лойиҳаларни бир нечта мезонлар (3 – 5та) бўйича таҳлил қилиш;

б) лойиҳаларнинг устуворлик даражасини аниқлаш;

в) лойиҳаларни устуворлик даражалари бўйича тақсимлаш.

Барча лойиҳалар тегишли шкала бўйича, масалан, “паст”, “ўртадан паст”, “ўртадан юқори”, “юқори” баҳо билан баҳоланади.

“Ўртадан юқори” ёки “юқори” баҳо олмаган лойиҳалар дастлабки танлов босқичидаёқ чиқариб ташланади ва рад этилган деб ҳисобланади.

Қолган лойиҳалар устуворлик даражаси (синфи) бўйича тақсимланади:

а) устувор лойиҳалар – бу умумий самараси (натижалар/сарф-харажатлар) 70 – 80 %дан кам бўлмайдиган лойиҳалардир;

б) устувор лойиҳаларнинг биринчи 20 – 30 %и ўта устувор лойиҳалар ҳисобланади.

Лойиҳаларни устуворлик бўйича ранжировкалаш ресурсларни лойиҳалар ўртасида тақсимлаш учун керак.

3. Молиявий ва бошқа ресурсларни инновациялар портфели ичида тақсимлаш.

Бунда “харажатлар – самарадорлик” схемасига асосланган қарор қабул қилиш қонидасидан фойдаланилади: биринчи навбатда, нақд пул маблағлари иқтисодий самарадорлиги максимал даражага (устуворлик даражасига) эга бўлган лойиҳага ажратилади.

Жаҳон амалиётида “харажатлар – самарадорлик”ни таҳлил қилиш барча молияни тақсимлаш механизмлари учун мажбурий жараён дур. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ушбу қонидани амалий қўллаш қанчалик осон бўлмасин, у қуйидагиларга эришиш имконини берадиган лойиҳалар портфелини таъминлайди:

– берилган чекланган маблағлар доирасида максимал мумкин бўлган самарадорлик;

– талаб этилган натижа ва самарадорлик даражасига энг минимал сарф-харажатлар.

Корхонада шундай вазият юзага келиши мумкинки, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга инновацион маблағларнинг етарли эмаслиги тўсқинлик қилади.

Бундай ҳолда қўшимча инвесторларни ҳамда хусусий молиявий маблағларни излаб топиш ёки мавжуд инновацион лойиҳалар портфелини ўзгартириш зарур бўлади.

5. Лойиҳалар портфелини аниқлаштириш – лойиҳаларнинг бир қисмини ўзига жалб қилиши кўпроқ лойиҳалар фойдасига ҳамда инвестицион маблағларнинг миқдорига қараб кесиб ташлаш.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Инновацион лойиҳаларни асосий мақсадлари нима?
2. Илмий-техник лойиҳа билан ахборот инвестициявий лойиҳалар орасидаги фарқни шарҳлаб беринг.
3. Инновацион лойиҳаларни илмий-техник аҳамияти даражаси бўйича таснифланг.
4. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш стратегиясини шарҳланг.

### **17-мавзу. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми**

17.1. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари

17.2. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими

#### **17.1. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари**

Давлат инновацион сиёсати ҳақида гапирганда доимо инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш ҳақида ёдда тутиш лозим. Агар иқтисодиётнинг анъанавий секторларида “кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади” қонидаси аксарият ҳолатларда тўғри бўлиб чиқса, иқтисодиётнинг кўп илм талаб қиладиган секторларида ушбу фикрнинг аҳамияти бир неча маротаба ортади.

Билимларга асосланган иқтисодиётда билим воситалари биринчи даражали, энг муҳим активлар ҳисобланади. Оқибатда етарли даражада билимларга эга бўлибгина қолмай, уларни амалиётда қўллаш оладиган, билимлар эскириб бориши билан уларни узлуксиз янгилаб берадиган малакали мутахассислар тайёрлаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассислар тайёрлаш масалалари билан анъанавий равишда олий ўқув юртлири (ОЎЮ) шуғулланиб келади. Бирок, сўнгги йилларда хориж тажрибасининг кўрсатишича, ОЎЮ бу масалани минтақавий ва федерал ҳукуматлар, шунингдек, йирик бизнес вакиллари кўмагида анча самаралироқ ҳал этишлари мумкин экан.

XXI асрда давлатларнинг иқтисодий ўсиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини интеллектуаллаштириш ва илмий-инновацион тараққиёт билан таъминланади. Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 70%дан 85%гача янги технологиялар, асбоб-ускуналар, янги билим ёки ечимларга эга бўлган маҳсулотлар улушига тўғри келади. Фан-техника тараққиёти (ФТТ) ютуқлари бизнинг кунларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига тобора кенг ва чуқур кириб бормоқда. Инновацион жараёнларни рағбатлантириш фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясидан эришиладиган синергетик самара воситасида минтақалар ва бутун давлат жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таянч элементига айланади.

Мутахассисларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни тўғрисида тўхталар эканмиз, “Тьюксбери, Крандалл ва Крейнлар 20 та энг кўзга кўринган инновацияларнинг берган самарасини текширишди ва ундан хусусий тарзда олинган ўртача даромад индекси 27%ни ташкил қилган бўлса, ижтимоий берган самараси 99% кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, 4 баробар кўпроқ деганидир”<sup>1</sup> деб таъкидлашган.

Миллий дастурининг мақсади етиб белгиланди. Дастурнинг стратегик мақсад ва вазифалри босқичма-босқич амалга оширилади:

Биринчи босқич -(1997-2000 й.й.,ўтиш босқичи), кадрлар тайёрлаш тизими потенциалини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий ,меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши.

Иккинчи босқич (2000-2005 й.й.) - Миллий дастурни кенг миқёсда амалга ошириш. Тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат тақсимотини, ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг мониторинги асосида унинг асосий ғоялари ва қоидаларига ойдинликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 - 2009 й.й.) тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ва ўзгариб бораётган , ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлами эътиборга олган ҳолда , уни такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ таълим тизимини бошқаришда ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вако-латли давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари ва ҳуқуқдоиралари белгилаб қўйилган. Умуман, таълим муассасаларининг давлат бошқаруви (16-расм) қуйидагича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси			
Ваколатли давлат органлари		Маҳаллий давлат органлари	
Таълим муассасалари			

<sup>1</sup> Innovation economics : the race for global advantage / Robert D. Atkinson and Stephen J. Ezell, USA: Yale University Press, 2012. P 153

## 16-расм. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг давлат бошқаруви

### 17.2. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими

1950-1970 йилларда иқтисодиёт структурасида фан секторининг ривожланиши жаҳон майдонида собиқ СССРнинг сиёсий ва иқтисодий қудрати ўсишига энг кўп хизмат қилди. Статистик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўрсатилган давр мобайнида Совет Иттифоқида илмий муассасалар сони 1,5 баравар, фан ва фанга хизмат кўсатишда банд бўлганлар сони 4,5 баравар ўсган. Илму-фан харажатлари қарийб 12 баравар ўсиб, 11,7 млрд. рублга етган.

- 15.3. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.
- 15.4. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси.
- 15.5. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари.


### 15.1. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган Республика “Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологиялар”, “Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржалар ярмаркаси” да тақдим этилган илмий-текшириш ишламалари ва технологиялари, қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сифат кўрсаткичлари халқаро ISO/МЕК стандарт талабларига мослиги ва Ўзбекистонда локализация қилинган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган кўплаб товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Замонавий маркетинг стратегияси қуйидаги беш ҳолатни кўрсатиб беради:

- 1) янги неъмат тайёрлаш;
- 2) ишлаб чиқаришнинг янги усулини жорий қилиш;
- 3) янги сотув бозорини ўзлаштириш;
- 4) хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар янги манбасига эга бўлиш;
- 5) соҳа бўйича доимо янгиликни излаш.

## 15.2. Инновацион маркетингни шакллантиришнинг концептуал асослари.



Инсониятни XXI асрнинг ўзгаришлар ҳамда даврга хос ва базис инновациялар рўй берувчи биринчи ярмида кутиб турган ҳолатларнинг айрим умумий кўринишлари шулар бўлиб, буни тўри тушуниш мамлакатимизнинг бу ўзгаришлардаги роли ва имкониятларини аниқлаб олиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

### 15.3. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.

XXI аср дастлабки кунлариданок дунё ривожланишининг барча жабҳаларида - иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий жараёнлар, демография, геосиёсий ва геонқтисодий жараёнлар янги сифат ўзгаришларидан дарак бермоқда. Яқин ўтмишда етарлича барқарор ва мувозанатли бўлган бу жараёнлар дуч келаётган ўзгаришлар гирдобини ортидан замонавий фан вақти келганда улгурмай ҳам қолмоқда.

Замонавий фан ва технология тобора рақобатли бозор курашига жалб қилиб борилмоқда. Фундаментал билимлар ва уламинг якуний маҳсули - илмий-техник маҳсулот - иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитларида давлатларнинг геосиёсий манфаатларини амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги ўсиши, мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати, таълим, фан ва маданиятнинг ривожланиши, муҳофаза қилиниши беvosита юқори технологияли комплексни таркибий-технологик қайта тузишга боғлиқ. Бу соҳада юқори малакали илмий, тадқиқотчи ва муҳандис кадрлар салоҳияти сақланиб қолган.



#### 15.4. Янги маҳсулот ва технологияларни бозорга кириш стратегияси.

Ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан фойдаланиш, бу соҳада аввало, МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооператсиядан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бундай жараёнлар бутун дунёда рўй бермоқда. Юқорида қайд этиб ўтилдики, технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган боииб, мамлакатимиз унга тенг ҳуқуқли ҳамкор боииб кириши, айрим йўналишларда еса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун еса миллий технологик даражада етарлича юқори боииши зарур.

#### 16-мавзу: Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими

1. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг аҳамияти.
2. Инновацион лойиҳаларни тузилишига қўйиладиган асосий талаблар.



## 1. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими.

Инновация лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири – корхона юқори сифатга эга бўлган керакли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш лаёқатига эга эканлигини рақобатчиларга исботлашдан иборат.

Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун уларни молиявий асослаш ва инвестициялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лойиҳавий молиялаштириш жараёнлари нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга инновацион лойиҳаларни фарқлаш керак:

а)  
инвестицион лойиҳалар, масалан, янги саноат объектлари қурилишига (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) йирик капитал қўйилмалар;

б) илмий-техник (инновацион) – илғор технологиялар, янгиликлар, маҳсулотлар ва хизматлар.

## 2. Инновацион лойиҳаларни тузилишига қўйиладиган асосий талаблар.

- Инновацион лойиҳаларни пухта ҳамда ҳар томонлама таҳлил қилиш ва танлаш портфель таркибини мақбуллаштириш имконини беради. Ечимни ишлаб чиқиш учун ягона алгоритм йўқ. Ҳар бир алоҳида ҳолда ўзининг мезонлар гуруҳи устуңлик қилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш тизими қўлланилаётган усулларнинг кўплиги билан ажралиб туради: бу молиявий, инвестицион ва техник-иқтисодий таҳлил усуллари, математик-статистик моделлари, эксперт баҳолари тизими, илмий-техник даража ва маҳсулот сифати таҳлили усули.


- Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда замонавий инновацион лойиҳалар, одатда, катта инвестицияларни талаб қилишини, улар эса доим ҳам бўлавермаслигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун инвестициялар ҳақидаги масала анча қийин ҳал этиладиган муаммодир, чунки мазкур лойиҳанинг зарурлигини, фойдалилигини ва самаралилигини исботлаш керак бўлади. Бу ҳолатда асосийси молиялаштириш манбаини танлаш, унинг ҳажмини, вақт бўйича тўловлар даражаси ва ҳоказодир. Бу ҳолатда инвестор ўзига лойиҳанинг моҳиятини тушунтириб бериш, ҳамкорлик қандай афзаллик беришини, ва энг асосийси, улар оладиган энг минимал ва энг юқори фойда миқдорини намоиш қилиш талаб этилади. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳаммасини инвесторларни капитал ажратишга ишонтириш учун тегишли тарзда расмийлаштириш керак.

## 17-мавзу: Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми

1. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари.
2. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими.

### 1. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари.

Давлат инновацион сиёсати ҳақида гапирганда доимо инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш ҳақида ёдда тутиш лозим. Агар иқтисодиётнинг анъанавий секторларида “кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади” қондаси аксарият ҳолатларда тўғри бўлиб чиқса, иқтисодиётнинг кўп илм талаб қиладиган секторларида ушбу фикрнинг аҳамияти бир неча мартаба ортади.



Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳудудий йўналишга ўтказиш чора-тадбирлари кўрилди. ўқув юртлари тармоғи кенгайди, университет таълими ривожланиши таъминланди. Янги ихтисосликлар, билимларнинг янги тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди. Умуман, мактаб кўп тармокли тизимга ўтказилди. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг усулида баҳолашга ўтилди. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига қўйилаётган талаблар ҳисобга олинган ҳолда аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш тубдан қайта кўриб чиқилди. Жумладан, Олий Аттестатсия Комиссияси ташкил етилди.

## 2. Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими.

Олий ўқув юртларининг минтақавий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти билан инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлигини муҳокама қилиш 1990-йилларнинг ўрталари ва 2000-йилларнинг бошидан бошланди. Бундай модел доирасида ҳокимият структураларининг вазифалари қаторига қуйидагилар кирази: ОўЎОга талаб юқори бўлган ихтисосликлар доирасида мутахассислар тайёрлаш учун буюртмалар шакллантириш ва меҳнат бозорида мос келувчи ихтисосликлар битирувчиларига талабни таъминлаш учун иш берувчиларни (биринчи навбатда - кичик ва ўрта бизнесни) юқори технологияли бизнес йўналишларида фаолият юритишга рағбатлантириш.

## 17. 1. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усулларни қўллашни аҳамияти.

Кластерлар асосан юқори билим даражаси, талабларига рақобатбардошлик мезонларига жавоб берадиган марказларда ташкил топмокда. Ҳозирги вақтда кластер талаблари бўйича олиб борилаётган кўп ишлар иқтисодий томондан ривожланган давлатларда кузатилмокда.


Кластер усулларини бошқа асосий фарқи умумий кооперацияли ишлаб чиқаришда асоси йўналиш истиқболли кластер мўлжаллари ҳозирги даврдаги рақобатбардошлик устунлигини амалий жиҳатдан ишлаб-чиқаришдаги инновацион технологиялар ташкилий, бошқарув ишлари ва ишлаб чиқарилган товарларни истеъмолчиларга йўллаш ҳисобланади.

Кластер моделини ташкил этишда товарлар рақобат мезонини ўрганиб ва уни истиқболлаб рақобатдаги биринчиликка ҳаракат қилинади. Бу эса кластер усулидаги энг керакли ўзаро боғланишни, технологияларни, ахборотлар таъминотини, ишлаш услуги орқали мақсадга йўналтирилган комплекс ишларини бош фирма режалаштиради ва уни ижросини таъмин этишда барча иштирокчилар билан ўзаро келишилган ҳолда мақсадни амалга оширади.



- Аҳолининг турмуш фаровонлиги ўсиши, мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати, таълим, фан ва маданиятнинг ривожланиши, муҳофаза қилиниши беvosита юқори технологияли комплексни таркибий-технологик қайта тузишга боғлиқ бўлмоқда. Бу соҳада юқори малакали илмий, тадқиқотчи ва муҳандис кадрлар салоҳияти катта рол ўйнайди.

#### 17. 2. Инновацион фаолиятни кластер усулида қўллашда уни давлат томонидан бошқариш.



Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳақида юқорида шакллантирилган тезис жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги вазиятда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш устувор ҳисоблансада, бир қатор сабабларга кўра бугунги кунда уни амалга ошириб бўлмапти.

Хорижий мамлакатларда технологияларни яратиш ва уларнинг трансфери соҳасидаги давлат сиёсати саноат ва илмий-техник сиёсатнинг устуворликларидан бири бўлиб, уларни мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион қайта қуришни таъминлашда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Янги техниканинг самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил этишда унинг ижтимоий натижалари ва оқибатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Улар жумласига, меҳнат шaroитларини яхшилиш, ҳавфсизлик ва қулайликни таъминлаш, ходимларнинг билими ва илми ҳамда малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон фаолияти учун энг яхши шaroитлар яратилиши киради.

## 18-мавзу. Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологияларни амалга оширишда кластер усуларини қўллаш зарурияти

- 1. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усуларни қўллашни аҳамияти.
- 2. Инновацион фаолиятни кластер усулида қўлашда уни давлат томонидан бошқариш.



### 18.1. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усуларни қўллашни аҳамияти



- Инновацион маркетинг илмий-техник ва янги ғоя, ишлама ва технологияларни ҳамда яратилган интеллектуал мулкни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб унинг натижаларини зудлик билан ишлаб чиқаришга трансфера қилиш. Инновацион маркетинг ресурслари замонавий илмий-техник ахборотлар ҳисобланиб, улар иқтисодий қиммат турадиган истеъмол бозори ҳисобланади. Уларни қидириш, таниш, мақсадга йўналтирилган ишларни режалаштириш, амалга ошириш ва булар орқали ўз бизнесини ташкил этиш лозим бўлади.



## 18. 2. Инновацион фаолиятни кластер усулида қўллашда уни давлат томонидан бошқариш

- Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳақида юқорида шакллантирилган тезис жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги вазиятда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш устувор ҳисоблансада, бир қатор сабабларга кўра бугунги кунда уни амалга ошириб бўлмаяпти.



## 19-мавзу: Инновацион кластер

1. Инновацион ғоя, ишлама ва технологияларни халқ хўжалигига трансфер қилишда кластер усуллардан фойдаланиш.
2. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.
3. Кластер усулида жорий қилинган инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлиги.

19.1. Инновацион ғоя, ишлама ва технологияларни  
халқ хўжалигига трансфер қилишда кластер  
усуллардан фойдаланиш.

Кластер усуллари қуйидагиларни таъминлайди:

замонавий инновацион ишламаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилганда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни рақобатдошлигини ошириш учун фойдаланиладиган барча ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш ва улар орқали корхонада хизмат қилаётган барча мутахассисларни ахборот билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда кластер талабларини таъминлаган ходимларни рағбатлантириш;

ишлаб чиқариш фирмаларини инновацион кўрсаткичларини ўсиши, тезлик билан янги технологик билимларни тарқалиши ҳамда рақобатдошлик босими бошқа фирмаларни ҳам инновацион фаолиятлардан фойдаланишга ундайди;

ишлаб чиқариш фирмалари янги инновацион ишламаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиши натижасида янги ишлаб чиқариш фирмаларни бунёд этилиши тезлаштиради.

## 19. 2. Инновацион фаолияни давлат томонидан тартибга солиш.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳақида юқорида шакллантирилган тезис жаҳон тажрибаларидан келиб чиккан ҳолда мамлакатимиздаги вазиятда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш устувор ҳисоблансада, бир қатор сабабларга кўра бугунги кунда уни амалга ошириб бўлмаяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фан-техника тараққиётининг учта асосий йўналишидан фойдаланиш мумкин:

- а) анъанавий йўналиш;
- б) замонавий йўналиш;
- в) истикболли, устуворлик йўналишлар.

### 19. 3. Кластер усулида жорий қилинган инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлиги.

Янги техника ва технологияларни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш керак. Шу сабабли янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида ишлаб чиқаришида юқори кўрсаткичларга еришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур.

Фан-техника таракқиёти тадбирлари иқтисодий самарасини ҳисоблаш тартиби услубий кўлланмаларда изохлаб берилган. Уларга куйидагилар киради:

- капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича намунали методика;
- халқ хўжалигида янги техника, ихтирочилик ва рационализаторлик тавсифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси;
- корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари бошқару-вининг автоматлаштирилган тизимининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси;
- бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими самарадорлигини;
- меҳнатни илмий ташкил этиш, яъни МИТ бўйича тадбир-чораларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси;
- атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган харажатларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун вақтинчалик методика.

## Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

<https://www.youtube.com/watch?v=sR-qL7QdVZQ> Philip Kotler: Marketing

<https://www.youtube.com/watch?v=hZLMv5aexto4> Principles of Marketing Strategy

<https://www.youtube.com/watch?v=H8aZr-Ula1w> Marketing Mix: Pricing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=XBmWEduod5k> Pricing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=GZgFdPWtVGY> Promotion

<https://www.youtube.com/watch?v=ys7zx1Vc9po> The Seven Ps of the Marketing Mix:

Marketing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=H8FANR-2u2Q> Strategic Planning: SWOT &

TOWS Analysis

<https://www.youtube.com/watch?v=qbyb0ht-dsk> McDonalds SWOT

<https://www.youtube.com/watch?v=mCdcdf-b8A> UPEST Analysis

<https://www.youtube.com/watch?v=Zq391bgs6h0> - What is Market Research? An

Informative Presentation.

<https://www.youtube.com/watch?v=sdQfId91Y0g> - Ethical Behavior in Marketing

[https://www.youtube.com/watch?v=n\\_L4tBP\\_KFQ](https://www.youtube.com/watch?v=n_L4tBP_KFQ) - Market Segmentation:

Geographic, Demographic, Psychographic & More - Study.com

<https://www.youtube.com/watch?v=IyjDjr33wAQ> - Live affiliate marketing case study

[https://www.youtube.com/watch?v=2Zwlb\\_1Q23I](https://www.youtube.com/watch?v=2Zwlb_1Q23I) - Market Feasibility Study: More

Important Than a Business Plan

<https://www.youtube.com/watch?v=b0hle7pVLmM> How to Create a Digital Marketing

Strategy - A Silverstone Case Study

<https://www.youtube.com/watch?v=ZzPjSqvm9P8> Infragistics Marketing Dashboard

Case Study

<https://www.youtube.com/watch?v=laTzwz08M94> Market segmentation: a case study

<https://www.youtube.com/watch?v=bqaEhW3xOCk> Market Orientation and Sales

Orientation

<https://www.youtube.com/watch?v=IggKinwxbZ4> Part 5: Marketing, Community and

Apps Case Study featuring Coca-Cola - Salesforce World Tour Chicago

<https://www.youtube.com/watch?v=z-9Yxo02hRk> Case Study 2016: When Content

Marketing Meets SEO

<https://www.youtube.com/watch?v=lcoLoIyGw7I> Nike Marketing Strategy |

Successful Marketing #1

[https://www.youtube.com/watch?v=9\\_XWp5fnXKc](https://www.youtube.com/watch?v=9_XWp5fnXKc) What is Marketing & Brand

Strategy?

<https://www.youtube.com/watch?v=CjieRgtjvIc> Eno Mobile Marketing Case Study:

70% Increase in Product Sales

<https://www.youtube.com/watch?v=No67z1C4HPw> Heineken India - Viral Campaign

2013

<https://www.youtube.com/watch?v=cvv1oC-ZaM> Guerrilla Marketing - Coca-Cola

Dancing Vending Machine

---

**ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ**

---

## ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

### 1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулоти – ОЎЮда ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

#### **Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар**

Маъруза материалларининг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзунини ёритиш учун етарли бўлиши керак.

#### **Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлар**

<b>Ўқув машғулотнинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
<b>Кириш маърузаси</b>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<b>Ахборотли маъруза</b>	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
<b>Муаммоли маъруза</b>	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<b>Кўргазма маъруза</b>	
ЎТВдан кенг фойдаланиш	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган

<b>Ўқув машғулоти нинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
<b><i>Бинар маъруза</i></b>	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоёниш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
<b><i>Анжуман-маъруза</i></b>	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулоти кўринишида ўтказилади. Машғулоти якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
<b><i>Умумлаштирувчи маъруза</i></b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
<b><i>Маслаҳатли-маъруза</i></b>	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
<b><i>Яқуний маъруза</i></b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Яқуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича яқуний назорат хусусиятини тушунтиради, яқуний назорат вариантларининг муракаб саволларини тушунтиради.

## **2. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари**

Амалий машғулоти:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,



- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,

- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

-

**Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

**Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари**

Амалий машғулот тури	Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
<p><b>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустақкамлаш/ кенгайтириш:</b></p> <p>- методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш.</p> <p>- тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш.</p> <p>- касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</p>	<p><b>Кенг кўламли суҳбат.</b></p> <p>Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб берилаётган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p><b>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.</b></p> <p>Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга</p>

чикувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### ***Пресс-конференция.***

Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.

#### ***Ўзаро ўқиш.***

Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккаблиқдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.

#### ***Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.***

Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.

Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.

1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечимни топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира

<p><i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларни чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i></p>	<p>бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.</p> <p>2. «Оғзаки юмолок стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.</p> <p><b>Спецсеминар.</b></p> <p>Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидадан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><b>Махсус (касбий) ва умумқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</b></p> <p>- амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p><b>Таълимий ўйин.</b></p> <p>Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услугий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><b>Амалий топшириқларни бажариш.</b></p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдими → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p><b>Масалалар ечиш бўйича машқ.</b></p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш –</p>

масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.

***Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.***

Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиққий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.

***Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.***

Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.

Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:

- муаммони яқка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш,
- яқка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш,
- гуруҳ ишини тақдимоти,
- муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш.

Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.

***Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши***

Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.

Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот

	кўринишида). Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиха иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.
<b>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</b>	<b>Коллоквиум.</b> Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сухбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган қўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) охириги семинар машғулотида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун. Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин. <b>Ёзма (назорат) иш.</b> Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.

### 3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

#### АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

☞Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллариини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.


☞Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун муаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси

### **ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ**

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – **I**nteraktive- интерфаол **N**oting – белгилаш **S**ystem - тизим **f**or-учун **E**ffective – самарали **R**eading – ўқиш **a**nd- **va** **T**hinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) – мен учун янги ахборот;

(–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

### **КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ**

**КЕЙС** – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, койдага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;

- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак

- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

**Кейс–стади** (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли

етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейсинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)

2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:

- саволли ( саволлар кейсдан кейин келтирилади)
- топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

### **ЎҚУВ ЛОЙИҲА МЕТОДИ**

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув восита ва қуроллари;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

### **ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР**

**КЛАСТЕР** (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

#### **Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана-“йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

**«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ** –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:


- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараёни муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

**«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ** – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

**«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ** - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантикий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз куйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.



2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

*Маслаҳат ва тавсиялар:*

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.


**«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ** - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўникмаларини шакллантиради.

**«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;



2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

---

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР**

---

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

1. И.А. Каримовнинг “2015 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ўзини оқлаган ислоҳот стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар бўйича қиёсий таҳлилни амалга ошириш.
2. Реал сектор корхоналарини инновацион ривожлантиришда инвесторларнинг роли.
3. Реал секторда инновацион фаолиятнинг аҳамияти.
4. Реал сектор корхоналарига инновацион лойиҳалари асосида маблағларни жалб қилишни ташкил этиш.
5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал сектор корхоналарини инновацион ривожлантириш.
6. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал сектор корхоналарида инновацион сиёсати ва уни режалаштириш.
7. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши.
8. Реал сектор тармоқларида инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва унинг хусусиятлари.
9. Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида реал секторда инновацион фаолиятнинг илмий ва амалий асослари.
10. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида реал сектор инновацион фаолиятида таваккалчиликни бошқариш.
11. Реал секторда инновацион фаолиятнинг комплекс таъминоти.
12. Реал секторда янгиликлар ва инновациялар портфелини шакллантириш.
13. Йирик реал сектор корпорациялари ривожланиш стратегияларининг эволюцияси .
14. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида янгиликлар дастури ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш.
15. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш.
16. Янгиликларни ишлаб чиқаришни ташкилий – технологик тайёргарлигининг асослари.
17. Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида саноат инновацион фаолиятида башорат қилиш асослари.
18. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал секторда инновациялар маркетинги.
19. Реал секторда инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги.
20. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари.

---

## **ГЛОССАРИЙЛАР**

---

## ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилидаги номланиши	Атаманинг инглиз тилидаги номланиши	Атаманинг рус тилидаги номланиши	Атаманинг маъноси
<b>Инновация</b>	<b>Innovation</b>	<b>Инновация</b>	бу қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараёни, маркетингнинг янги услубини иш амалиётида, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги ташкилий услубни истеъмолга киритишдир.
<b>Инновацион фаолият</b>	<b>Innovative activity</b>	<b>Инновационна я деятельность</b>	инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади. бу янги маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, шунингдек маҳсулот ва жараёнларни сезиларли такомиллаштириш; технологик жиҳатдан янги ёки сезиларли такомиллаштирилган хизматлар, янги ёки сезиларли такомиллаштирилган хизматларни ишлаб чиқариш (кўрсатиш) усулларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш.
<b>Технологик инновациялар</b>	<b>Technological innovations</b>	<b>Технологическ ие новинки</b>	бу янги ёки сезиларли даражада яхшиланган товар ва хизматларни жорий этишдир. Масалан, техника хусусиятлари, компонент ва материаллари, ичига ўрнатилган дастурий таъминоти,
<b>Маҳсулот инновацияси</b>	<b>Product innovation</b>	<b>Инновация продукта</b>	

<b>Жараён инновацияси</b>	<b>Process innovation</b>	<b>Инновационный процесс</b>	<p>фойдаланувчи учун қулайлиги ёки бошқа функционал хусусиятлари.</p> <p>янги ёки сезиларли даражада яхшиланган ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш услубини, техник жараёнлар, ускуналар ва/ёки дастурий таъминотдаги сезиларли ўзгаришларни жорий этишдир.</p> <p>бу фирма томонидан маркетингнинг янги услубини жорий этиш (маҳсулотнинг дизайни ва кадоқлаш, уни жойлаштириш, нарх белгилаш, бозорга чиқариш) агарда у фирма томонидан биринчи марта ишлатилаётган бўлса.</p>
<b>Маркетинг инновацияси</b>	<b>Маркетинг ые инновации</b>	<b>Marketing innovation</b>	бу фирманинг иш амалиётига янги ташкилий услубни жорий этиш.
<b>Ташкилий инновация</b>	<b>Organizational innovation</b>	<b>Организационная инновация</b>	бу ишлаб чиқариш сири ҳисобланган, эгаси бу маълумотларни учинчи шахслар томонидан ноқонуний ишлатилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган, ҳимояловчи ҳужжатлар (масалан, патентлар) билан муҳофазаланмаган ва тўлиқ ёки қисман нашр қилинмаган техник, ташкилий ёки тижорат маълумотларидир.
<b>Ноу-хау</b>	<b>Know-how</b>	<b>Ноу-хау</b>	бу бирор ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларини бошқа ишлаб чиқарувчининг ўхшаш товар ва хизматларидан фарқлаш учун мўлжалланган оригинал график тасвир, рақам, ҳарф ёки сўзларнинг бирикмасидир.
<b>Товар белгиси</b>	<b>Trademark</b>	<b>Товарный знак</b>	бу турли соҳалардаги маҳсулотга (хусусан, курилма, модда, микроорганизм штамплари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларига) ёки услуга (моддий воситалар ёрдамида
<b>Ихтиро</b>	<b>Invention</b>	<b>Изобретение</b>	

<b>Фойдали модель</b>	<b>Model</b>	<b>Полезная модель</b>	<p>моддий объектлар устидан ҳаракатни амалга ошириш жараёнига) тегишли техник ечим. бу мосламага тааллуқли техник ечим. Ишлаб чиқариш воситаларининг конструктив бажарилиши ва истеъмол қилиш предметлари ҳамда уларнинг таркибий қисми фойдали моделларга киради.</p>
<b>Саноат намуналари</b>	<b>Industrial Designs</b>	<b>Промышленн ые образцы</b>	<p>бу саноат ёки ҳунармандлик буюмларининг ташқи кўринишини белгиловчи бадий-конструкторлик ечимидир.</p>
<b>Селекцион ютуқлар</b>	<b>Selection achievements</b>	<b>Селекционные достижения</b>	<p>ижодий меҳнат орқали ўсимликнинг янги нави ёки ҳайвонларнинг янги турини яратиш (аниқлаш) каби инсоннинг аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятининг натижасидир.</p>

---

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН  
ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

---



## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

### **Электрон журналлар**

1. International Journal of Business Forecasting and innovation.  
[www.inderscience.com](http://www.inderscience.com)
2. Ansoff matrix. [www.free-management-ebooks.com](http://www.free-management-ebooks.com)
3. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал.  
[www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
4. Экономическое обозрение. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
5. Journal of Innovation. [www.ama.org](http://www.ama.org)
6. Journal of Marketing Research. [www.ama.org](http://www.ama.org)

### **Интернет сайтлар**

1. [www.digitalmetricsplaybook.com](http://www.digitalmetricsplaybook.com)
2. [www.Innovato.com](http://www.Innovato.com)
3. [www.bizneslab.uz](http://www.bizneslab.uz)
4. [www.study.com](http://www.study.com)
5. [www.inderscience.com](http://www.inderscience.com)
6. [www.free-management-ebooks.com](http://www.free-management-ebooks.com)

**А.М.Исмаилов, Р.Хакимов**

Реал секторда инвестицион ва инновацион фаолият

Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

*Маъруза машгулоти учун*

Тошкент: Иқтисодиёт, 2016 йил, 202 бет.